Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 110 (20. 677) • 1990 йил 15 май, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ЗАМОННИНГ ИЖТИМОИЙ БУЮРТМАСИ

М. С. ГОРБАЧЕВнинг ректорлар Бутуниттифоқ учрашувида сўзлаган нутқи

Илгари хабар қилинганидек, 11 май куни Москвада ректорларнинг ҳозирги шароитда таълимнинг ва олий ўқув юртлари ишининг долзарб муаммоларига бағишланган Бутуниттифоқ учрашуви бўлиб ўтган эди.

Учрашувда СССР Президенти М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Ректорларнинг нутқларини тинглар эканман, деди у, бу учрашув ғоят зарур эканлигига ишончим янада кучайди. Вақт нақадар тиғиз бўлмасин, шу учрашув ўтказилганидан мамнунман. Менимча нутқларда асосий гаплар айтиб ўтилди. Сизлар халқ таълимининг бирламчилиги тўғрисида, жамият тараққиётида олий мактабнинг роли устунлиги ҳақида бу ерда айтилган ва асослаб берилган фикрга қўшилишимга ишонаверинглар. Бу масаланинг давлат манфаатларини кўзлаб тўғри қўйилганлигига аминман. Таълим, маданият соҳасига сарфланган маблағ энг самарали капитал маблағ деб тез-тез гапирамиз. Буни ҳаммамиз тан олгандек бўламиз. Бироқ ректорларнинг нутқларида сезилиб турган хавотирлик ва безовталик сизларнинг қаттиқ ташвишланишингиз учун асос борлигини кўрсатиб турибди. Сизларнинг хавотирлигингизга қўшиламан. Биз вазият ҳақида ҳеч кечиктирмай баҳо беришимиз, сўнгра уни сиёсатда, аниқ қарорларда рўёбга чиқариш билан шуғулланишимиз кераклиги равшан.

Бу ерда таълим Президент томонидан ислоҳ қилиниши керак, деган гап айтилди. Ўйлайманки, гап ибора эмас. Умуман айтганда, биз бутун кейинги вақтда бу соҳани ислоҳ қилиш билан шуғулланяпмиз. Қайта қуриш йилларида халқ таълимини ва олий мактабни ислоҳ қилишни биз ишнинг энг муҳим йўналишларидан бири деб ҳисобладик. Бу хусусда бир қанча қарорлар қабул қилинди. Кейинчалик, бир оз вақт ўтгач, бу қарорлар, таъбир жоиз бўлса, тафтишга учраганлиги — бошқа гап. Аммо ўша қарорлар аввалбошданоқ тўлиқ бўлмаганлигини энди кўриб турибмиз. Модомики мана шу, очиғини айтганда, етарли бўлмаган қарорлар ҳам бажарилмай қолган экан, буни яхши иш деб бўлмайди.

Олий мактаб — давлат иши, бундай ноҳуш воқеа рўй берганлигини эса кўп жиҳатдан марказий идораларнинг камчилиги, деб ҳисоблайман. Дарвоқе, сизлар ҳам қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши учун курашишингиз керак, албатта. Кимдир ниманидир зарҳал лаганда келтириб беради, деб пойлаб ўтирмай, ҳаракат қилиш керак, ўртоқлар. Чунки, ҳатто қарорлар чиқарилганидан кейин ҳам, улар амал қила бошлаши учун ҳам ақлий, ҳам амалий жиҳатдан барча поғоналарда катта ташкилотчилик ва хўжалиқ фаолияти билан зўр бериб шуғулланиш керак бўлади. Ҳамма соҳада ҳам шундай.

Ҳозир биз таълим, олий мактаб соҳасида ҳозирги вазиятга, жамият ривожининг ҳозирги бурилиш босқичига мос келадиган давлат сиёсатини юритишимиз керак. Халқ таълими, олий мактаб ислоҳоти хўжалик турмушининг бир хил шароитида режалаштирилган эди. Ҳозирги шароит тубдан ўзгармоқда. Биз жамиятнинг ўзини тубдан ўзгартириш палласига яқинлашиб келдик, таълим эса ҳамиша шу ўзгаришларни акс эттирибгина қолмай, ҳатто илдамроқ бориши ҳам керак, шундагина жамият таълим орқали янги ғоялар, ёндашувларни ва турмуш шаклларини қабул этишга яхшироқ тайёрлана олади.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида, у инқилобий янгиланиш, чуқур ва жиддий янгиланиш даврига кирган бир пайтда, бугун таълимни ҳақиқатан ҳам замонавий ислоҳ этиш керак, деган фикр шу сабабли таълимнинг, олий мактабнинг бирламчилиги тўғрисидаги тезисдан табиий равишда келиб чиқади. Биз бир лаҳзалик муаммолар тазйиқи остига тушиб қолмаслигимиз учун ислоҳотнинг ҳамма тартиб-қоидаларини яхши ўйлашимиз керак. Олий мактабнинг ривожланишида эса бундай муаммолар кўп.

Аниқ-равшан масалаларни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди, албатта. Бугунги мунозарада тез фикр-мулоҳаза юритиб, ҳал қилиниши лозим бўлган кўпгина масалалар тилга олинди. Бу хусусда тўхталиб турмаслик учун мен ушбу учрашув стенограммасини ўрганиб чиқишимизни, ундаги ҳамма амалий таклифларни ажратиб олиб, тегишли топшириқлар беришимизни ва ўртоқ Ягодин билан уларни пухта ишлаб чиқишга ҳаракат қилишимизни дарҳол айтиб қўймоқчиман.

Мен ректорларнинг уюшмасини тузиш ғоясини маъқуллайман, аммо сизлар унинг расмий бошқарув ташкилотига айланиб қолмаслиги ҳақида ўйлаб кўринглар. Ў ғояларни жамлайдиган ташкилот бўлиши, учрашувлар, фикрлашувлар учун, мулоҳазаларни таққослаб кўриш учун яхши муҳит бўлиши лозим, деб ўйлайман. Ўзаро алоқа ўрнатишнинг мана шундай шакли керак. Назаримда, сизларда шу ғоя пишиб етилган ва бутун ихтиёр ўзимизда. Бу уюшмани қай тарзда тузишни ўзингиз ҳал қилинглар, бироқ у таклифларни, ўз фикрларини ишлаб чиқишга дарҳол киришмоғи, сизларнинг олий мактаб ислоҳотини ривожлантириш хусусидаги қарашларингизни ифодалаб бериши керак. Аввало янгиланиб бораётган жамиятнинг истиқбол талабларини, ҳозирги бурилиш босқичида олий мактабнинг ва бутун халқ маорифи системасининг вазифаси нимадан иборат эканини тўғри фаҳмлаб олиш керак. Бу эса олий мактаб қандай бўлиши кераклиги, у қандай кадрларни тайёрлаши, қайси қоидалар асосида иш тутиши лозимлигини, энг муҳими эса, янги вазифаларни ҳал этишга қодир бўлиши учун қандай муаллим кадрлар унда ишлаши лозимлигини олдиндан башорат қилишга ёрдам беради.

Кўпгина ўртоқлар, жумладан, ҳозир бошқача моддий база кераклигини айтмоқдалар ва мен бу ёндашувга қўшиламан. Чунки мутахассисларни тайёрлаш даражаси, айниқса илмий тадқиқотларга қобилиятни ривожлантириш мана шу базага боғлиқ. Шундай базасиз иш қила олмаслигимиз табиий, аммо олий мактабнинг кадрлари — энг муҳим масаладир. Бинобарин, мен сизларнинг бу масалага ўз-ўзини таҳлил асосида ёндашганингизни маъқуллайман. Бунинг маъноси шуки, бизда ҳозирги ректорлар туркуми давлат нуқтаи назаридан фикрлайдиган, аҳволга сергак қарай оладиган масъулиятли кишилардан иборатдир.

Чамаси, ҳозирги олий мактабни ривожлантириб, уни истиқболнинг, унчалик олис бўлмаган келажакнинг олий мактабига айлантириш — биринчи даражали вазифа, уни дарҳол ҳал қилиб бўлмайди, қандайдир ўтиш даври керак бўлади. Аммо бир нарса равшан — шу мураккаб даврда давлат томонидан олий мактабга ҳар қандай мадад, шу жумладан молиявий, моддий ва бошқа хил ёрдам берилиши зарур. Айниқса, ҳозирги иқтисодий шароитда мадад ва ҳимоя воситалари керак, чунки олий мактабни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, унга эътибор бермаслик, менимча, масъулиятсизлик бўлур эди, суҳбатимиз бошида айтилган асосий фикрга зид иш бўлур эди. Биз жамиятга таъсир ўтказа оладиган, унинг ақлий имкониятларини оширадиган янги олий мактабга муҳтожмиз, шундай олий мактаб бўлмаса, биз бир жойда депсиниб тураверишга ёки ҳозирги вазият талаб қилганидан кўра секинроқ силжишга маҳкум бўламиз.

Шу сабабли сизларни: келинглар, фаолроқ ҳаракат қилайлик, олий мактабни тубдан ўзгартиришнинг давлат дастурини шакллантирайлик, деб даъват этмоқчиман. Мен Президентлик кенгаши доирасида тегишли топшириқ бераман, эҳтимол, бу хусусда Фармон қабул қилиш керакдир. Сизларнинг мулоҳазаларингизга таянниб, ректорлар туркуми иштирокида шу иш учун жавоб берадиган кишилар доирасини белгилаб олишимиз мумкин. Улар аниқ таклифларни, шу жумладан, муқобил таклифларни ҳам киритадиган бўлсинлар.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

МУРАББИЙ ЖАМОЛИ

Съезд минбарига

Т. САРИМСОҚОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

● Барча коммунистлар каби мен ҳам Ўзбекистон Компартияси XXII съездига катта умид боғламоқдаман.

Тўғри, жумҳуриятимизда ўз ечимини кутаётган муаммолар кўп. Шулардан бири илм-фан тараққиётини янги босқичга кўтаришдан иборатдир. Бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жумҳуриятимиз Вазирлар Кенгаши истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Улуғбек номли Ўзбекистон жумҳурият жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорга биноан истеъдодли ёшлар қўллаб-қувватланмоқда, иқтидорли болалар учун мўлжалланган махсус мактаб-интернатлар оталиққа олинмоқда.

Мен биринчи галда анжуманимиз юксак минбаридан ёшларни илм-фанга эътиборини янада кучайтириш ва уларнинг ечимини тез орада ҳал этиш зарурлиги тўғрисидаги муаммолар янграшини истардим. Шу билан бирга илм-фанда ёшлар билан мураббийлар анъанасини янада ривожлантириш керак. Зеро, шогирднинг камоли, мураббий жамолидир.

Муштарак мақсадлар

Партия обрўси—менинг обрўйим

М. ШАРИПОВА,
Навоий педагогика билим юрти директори.

Партия сафига кирилаётганда кўпинча анъанавий савол берилади:

— Коммунистлар сафига нима учун ўтяпсиз?

Тағин одатдаги жавоб қайтарилади:

— Ҳалол ишлаш учун, самарали меҳнат қилиш учун.

Ҳеч ким «мансаб пиллапоя-ларига кўтарилиш учун» демайди, гарчанд орамизда шундай шахслар борлигини сезсак-да, биз ҳам шу даврга-ча сукут сақлаб туравердик. Юқори партия ташкилотлари эса коммунистлар сони ошганлигидан, ҳисобот даврида оғзини тўлдириб гапиришдан хурсанд бўлди. Бўлажак коммунистга эса партия аъзоси бўлмаса-да, ҳалол ишлаш, самарали меҳнат қилиш лозимлиги, ҳатто шартлигини тушунтиришга вақтимиз бўлмади, баъзан бир оғиз луқма билан партия обрўсига доғ туширib қўйишдан чўчидик. Аслида биз ўзимизнинг ўта эҳтиёткорлигимиз ва совуққонлигимиз туфайли партия шанига доғ туширишга улгурган эдик. Энди, ошкоралик ва ҳар бир нарса ўз номи билан очиққасига айтиладиган бугунги кунимизда биз ушбу доғни ювишимиз мумкин.

Хўш, бу доғни қандай ювиб бўлади?

Мен қарийб чорак асрдан буён ёш авлодга сабоқ бераман. Қанчалик шогирдларим бор. Билим юртига раҳбарлик қилаётганимга ҳам 5—6 йил бўлди. Шу йиллар мобайнида халқ таълимида эришилган ютуқлардан кўра бажаришимиз лозим бўлган юмушлар кўлами каттароқдир. Билим юртимиз яқинда янги бинога кўчиб ўтди. Анйқроғи, ўн йилдан кейин мустақил уйга эга бўлдик. Аммо бу кабинетлар борасидаги муаммолар тўла ҳал бўлди, дегани эмас. Аксинча, юмушларимиз кўпайди. Ана шундай пайтда коммунистлар ташаббусни қўлга олишлари керак. Одатда ҳам шундай бўлмоқда. Ф. Бобомуродов бошлиқ партия ташкилотимиз шу давргача ҳам анча иш қилди. Аммо улар ҳам вазирлик ва идоралардаги маҳкамачилик ғовларига дуч келиб қолмоқдалар. Натижада бир муаммо иккинчисини етаклаб келяпти. Энг ёмони, коммунистларнинг ташаббуси бўғилиб қолмоқда. Бу эса ўз-ўзидан маълумки, партия обрўсига таъсир этмасдан қолмайди.

Келинглар, партия шанига турли бўҳтонлар айтишдан кўра, коммунист обрўси учун курашайлик, токи коммунист обрўси учун кураш ҳаётимиз фаровонлиги, турмушимиз гўзаллиги учун астойдил меҳнат қилиш билан муштараклашиб кетсин.



● Сурхондарё области. Жарқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» совхози механизаторлари ғўзага дастлабки комплекс ишлов беришни бошлаб юбордилар. Барча механизмлар кун бўйи самарали ишлатилмоқда. Умуман хўжалик бўйича пахта майдонлари 2200 гектарга етказилди. Бу ўтган йилгидан 200 гектар камроқдир. Пахтадан бўшаган майдонларда эса сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Суратда: илғор механизатор Миржалол Самадов.

И. ХУЖАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ШОЛИПОЯЛАРДА ИШ ҚИЗҒИН

● Урта Осиёда энг кўп «марварид дон» етиштириладиган Қорақалпоғистон автоном республикаси деҳқонлари шоли экишга киришдилар. Улар катта сув келгунига қадар асосий майдонларга шоли экишни тугатишни мўлжалламоқдалар.

Қорақалпоғистон шоликорлари ўтган мавсум тажрибасидан ўзлари учун хулоса чиқардилар. Ушанда ёғингарчилик бўлмагани туфайли 23 минг гектар ердаги экинлар қуриб қолган эди, бунинг натижасида деҳқонлар маоши камайиб, бир неча миллион сўм кам даромад олган хўжаликлар кўрган фойда пасайиб кетган эди.

Бу йил давлат «марварид дон»га буюртмасини камайтирди ва буюртма ҳаммаси бўлиб 210 минг тоннани ташкил этди. Шунга мувофиқ, шолипоялар майдони 71 минг гектаргача қисқартирилди.

Бу йил ҳам ҳайдаладиган ерларнинг қарийб тўртдан уч қисмига «Нукус-2» нави экилади. Лекин бир қанча хўжаликлар «Қорақалпоғистон» ва «Авангард» деган янги навларни етиштиришга қарор қилишди. Уларнинг тажрибаси бу навларнинг қанчалик истиқболли эканини кўрсатади.

ҒЎЗАПОЯДАН СЕНАЖ

● «Партия XXII съезди» совхозида ғўзапоя ёнидан чиққан ва у билан бирга ўриб олинган кузги жавардан сенаж бостирилади. Хўжалик ем-хашак тайёрловчилари уни йиғиштириб ола бошладилар.

— Бизга худди шунақа сенаж керак, — деди совхоз директори Тўра Ғуломов. — У тўйимлироқ, микроэлементларга бойроқ бўлиб, яхши сақланади.

Бу ҳозирча Қашқадарё областидаги дастлабки тажриба. Лекин мутахассисларнинг фикрича, бундай технологиянинг истиқболи бор. Ахир ғўзапоя деҳқонларга қанча ташвиш келтириши маълум. Ҳозир ундан қишлоқда фақат ёқилғи сифатида фойдаланилмоқда. Агар хўжаликда газ ўтказилган бўлса-чи? Балки, ҳар қалай уни даланинг ўзидаёқ жавдар билан бирга янчиб олган яхшидир.

(ЎзТАГ).

● Диққат: тажриба

ОҚИЛОНА ТАДБИР

«Узавтострой» республика қурилиш трестининг хўжалик ҳисобида ишловчи Андижон участкасида янгилик рўй берди. Улар энди янги уй-жой қурилишида бинокорлик материалларини қидириб топиш ташвишидан халос бўлишди.

Ўтган йилнинг бошларида янги уй-жой қураётган коллектив аъзолари рўйхатга олинди. Улар ташкилий равишда қурилиш материаллари билан таъминланадиган бўлиб қолишди. Бу эса бутун участка коллективи учун ҳам, уй-жой қураётган кишилар учун ҳам қулайлик яратди.

Участка маъмурияти қурилиш материаллари ишлаб чиқараётган корхоналар ва ўрмон хўжаликлари билан лимитдан ташқари маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузди. Ана шу асосда ўтган йили янги уй-жой қураётган 35 киши тахта, цемент, ғишт, шифер, металл каби қурилиш материаллари билан таъминланди. Бу йил ҳам ариза-лар асосида уларга 232 минг дона ғишт, тахта, 70 тонна цемент, 735 дона шифер сотилади. Йилнинг биринчи кварталидаёқ бу маҳсулотларнинг кўп қисми етказиб берилди.

— Ҳисоблаб кўрсак, — дейди участка бошлиғи Муталлибжон Исоқжонов, — янги уй-жой қураётганлар мустақил равишда қурилиш материаллари харид қилишадиган бўлса, бунинг учун жуда кўп вақт сарф қилишар экан. Устига-устак қурилиш материалларини ортиқча нархда сотиб олишлари ҳам сир эмас. Бундан уларнинг оилавий бюджети ҳам зарар кўради. Қолаверса, коллективимизда меҳнат маромига ҳам салбий таъсир этади. Биз ишчиларга қулайлик яратиб, ана шундай ҳолларга чек қўйдик.

Хўш, шу оддийгина қулайлик коллективга қандай наф бермоқда? Ўтган йили участкада меҳнат унумдорлигининг ўсиши 111 фоизни ташкил этди. Қўнимсизлик, иш вақтининг йўқоти лиши олти баробардан зиёдроқ камайди. Фойда олиш икки баробар ортди. Эндиликда олинган фойдадан янги уй-жой қураётган кишиларга устамасиз қарз берилмоқда. Ҳаттоки ёш оилалардан олти кишига берилган ана шундай қарзнинг ярми кечиб юборилди.

— Илгари коллектив аъзоларига мана шундай қулайлик яратилса, — дейди участканинг ветеран ишчиси Турсунбой ака Содиров, — юқоридан текширгани келганлар инструкцияни рўкач қилишиб, бошлиғимизни нари олиб бориб-бери олиб келишарди. Энди бунга ходилари сиғмайди. Хўжалик ҳисоби бизни турли ўринсиз аралашувлардан халос қилди.

К. НИШОНОВ.

---

11 май куни бўлган ушбу конференцияни хотиржам ўтди деб бўлмайди. Дастлабки уч-тўрт кишигина, айтиш мумкинки, «ўз» манфаатларини кўзлаб гапирди — биттасининг заводида қайсидир ишлар юришмаётган, иккинчиси эса маҳсулот етказиб берувчилар билан ҳечам келишиб олмаётган, учинчиси мотор заводини қуриб битказа олмаётган экан... Уларнинг нутқлари залда ўтиришларга унча таъсир қилмади: бу сенинг ишинг, ўзинг ҳал қилавер, нима сабабдан бу ҳақда шаҳар партия конференциясида гапириш керак? — дейишаётгандек бўларди.

Бўш микрофондан фойдаланишга журъат этган профессор Назаров аниқ фикр айтди: хўжалик ишлари муҳим, лекин улар ҳақида партия конференциясида гапиришга ҳожат борми?

КУЧЛАРИМИЗНИ ЖИПСЛАШТИРАЙЛИК

Тошкент коммунистлари шаҳар партия конференциясида шундай фикр билдирдилар

Бугунги кунда партия хўжаликка расман раҳбарлик қилишдан воз кечмоқда, у бу ҳуқуқни шундай масалалар билан шуғулланиши лозим бўлган ташкилотларга — Советларга бермоқда. Лекин, афтидан, фикрлашдаги қолоқлик, айниқса раҳбарларнинг шаҳар партия комитети нима деркин, бу ҳақда Марказий Комитетда нима ўйлашаркин қабилида мулоҳаза юритиши ҳали ҳам борга ўхшайди. Баъзи раҳбарлар шу вақтга қадар корхона тақдири учун, яъни шу ерда ишлаётган одамлар тақдири учун фақат уларнинг ўзлари, шаҳар партия комитетининг ҳар қандай фикр-мулоҳазаларига қарамай, ўзлари жавоб беришлари кераклигини тасаввур этолмаяптилар.

«Амалий ҳаракатлар ва натижалар керак», — деди конференцияда сўзга чиққан нотиқларнинг бири. Сўзга чиққан нотиқнинг ўзи — район партия комитетининг биринчи котиби шундай деганидан сўнг кимдан нимани кутиш керак? Кутяпмиз, ҳаракатларимиз илмий асосланишини, юқоридан буйруқ берилишини кутяпмиз, ҳали ҳам кутяпмиз... Яна қанча кутар эканмиз?

Конференция қатнашчилари СССР Ички ишлар министрлиги олий ўт ўчириш инженерлик — техника мактаби Тошкент факультетининг бошлиғи, Тошкент шаҳар Советининг социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш доимий комиссияси раисининг ўринбосари Б. Қосимовнинг нутқини қарсаклар билан кутиб олдилар. У жиноятчилик тўғрисида, коммунистлар жиноят содир этиладиган ҳолатларни камайтириш учун нималар қилиши кераклиги ва мумкинлиги ҳақида гапирди. Бинобарин, бу ерда чинакамига бир ёқадан бош чиқариб ишлаш керак, ҳуқуқ муҳофазаси идораларининг ходимлари шаҳарда рўй бераётган ярамас ҳолатларга қарши ёлғиз ўзлари курашишлари мумкин эмас.

Партия конференциясида сўзга чиққан барча нотиқлар жипслашиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Шаҳар партия комитетининг ҳисоботи КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга Ҳаракат дастури, партия Устави лойиҳалари билан бирга муҳокама қилинди. Коммунистлар КПСС Марказий Комитетининг Очиқ хатини ҳам эътибордан четда қолдирмадилар. Сўзга чиққан барча кишилар бузғунчи кучларнинг **партияни фракциялар ва гуруҳларга бўлиб юборишга уринишларига қатъий ва қаттиқ зарба бериш** кераклигини айтдилар. Партия якдил бўлганлиги учун ҳам кучлидир. Кимдаким коммунист бўла туриб, партиядан ташқарида туришни хоҳласа, унинг Уставини тан олмаса, бундай кишилар билан йўлимиз бир эмас, дейишди улар.

Қабул қилинган қарорда шу фикрлар таъкидланади: «Конференция КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳаларида партиянинг янгиланаётган жамиятдаги вазифалари, ўрни ва мавқеи ҳақида айтилган қоидаларни қўллаб-қувватлайди. Делегатлар социалистик йўлдан бораётган, марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантириш принципларига асосланган партия сифатида янгиланган КПСС тарафдоридирлар, ички партиявий турмушни демократиялашни қатъиян рўёбга чиқариш, партиявий иш, район, бошланғич партия ташкилотларига партиялилар оммаси ҳокимиятининг устунлиги асосида раҳбарлик қилиш шакллари ва услубларини қайта қуриш зарур деб ҳисоблайдилар».

Конференцияда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов сўзга чиқди. У ўз нутқига энг ўткир муаммоларни, ҳар биримиз бошимиздан кечираётган, ҳар биримиз ўйлаётган муаммоларни асос қилиб олди. **«Масала шу тарзда турибди: ёки биз ўзимизнинг янги вазифамизни қайта мушоҳада этиб, ўзлаштирамиз ва мамлакатни қайта қуриш йўлидан бошлаб боришга эришамиз, ёки бузғунчи кучлар устун чиқади».** Хўш, бундай аҳволда бизни нималар кутяпти? Президент бу саволга шундай жавоб берди: бошбошдоқлик, нифоқ ва ҳатто гражданлар уруши бўлиши ҳам мумкин. «Метиндек мустаҳкамлигимизга» орқа қилиб, хом ҳаёллар билан яшашга ўринаётганлар учун ҳам, партия жипслашишининг аҳамиятига етарли баҳо бермаётганлар учун ҳам бу етарли даражада аниқ жавоб бўлди. КПССни демократиялаш зарурлиги кўриниб турибди, лекин уни ниҳоясиз мунозаралар олиб борилади ва долзарб муаммоларни амалий ҳал этиш учун ўрин бўлмайдиган қандайдир сиёсий клубга айлантиришнинг ҳожати борми?

Республика, қолаверса, бутун мамлакат ҳам оғир даврни бошидан кечирмоқда. Юзага келган аҳволга, албатта, кўп жиҳатдан турғунлик йиллари айбдор. Лекин иқтисодий ва ижтимоий тангликнинг сабаблари фақат шундамикан? Олти йилдан бери қайта қуриш бўлянти, шу даврда қанчаданқанча «ўз» хатоларимизга йўл қўймадик! Интизом, бошқарувнинг барча поғоналаридаги масъулият бўшашиб кетмоқда. Аввал бошданоқ аниқ ва равшан истиқбол ва мақсадларимиз бўлмади, биз маълум даражада бамисоли пайпаслаб ҳаракат қилдик. Буни сталинчилик қолдиқларини баҳона қилиш, турғунлик даврини рўкач қилиш билан изоҳлай олмайсан. Кўпинча, энг муҳими ишни бошлаб олиш керак, натижалар эса ўзидан-ўзи келаверади, деган енгил-елпи фикрни ҳали ҳам эшитиш мумкин. Бу ҳаммамиз халос бўлишимиз лозим бўлган хавфли адашишдир. Бугун аҳил бўлиб, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланишимиз керак. Бу ишга эса, табиийки, коммунистлар бош бўлишлари даркор.

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби ўз нутқида республика учун ниҳоятда долзарб муаммоларни ўртага қўйди. Ҳозир бизда ижтимоий-сиёсий вазият шундайки, ҳатто халқ фаровонлиги тўғрисидаги шиорлар остига яширинib, ҳужумга ўтишга уринаётган ҳаддидан ошган кучлар бош кўтармоқдалар. Партия ва ҳукуматнинг меҳнаткашлар турмушини яхшилаш борасидаги амалий ишларига улар ҳеч нарсани қарши қўя олмаяптилар, шунинг учун ҳам улар борган сари танқидбозликка кўпроқ берилиб кетишмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

● Газета саҳифаларида:

Партия иши мазмуни ва услуби қайта қуриш талабларига мос бўлсин. (● 1- ва 2-бет).

Жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлмаган кишиларни меҳнатга жалб этишнинг истиқболли йўли. (● 3-бет).

«Совет Ўзбекистони» дўстлари боғида учрашув (● 4-бет).

ЗАМОННИНГ ИЖТИМОИЙ БУЮРТМАСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Мен айтмоқчи бўлган биринчи гап — ана шу.

Ҳозир жамиятимиз ўзида авж олиб кетган жуда катта ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг илмий жиҳатдан таъминланишига ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлиб турибди. Олисни кўзловчи чуқур, инқилобий ислоҳотларни англаб олиш унчалик осон эмаслиги бизнинг, эҳтимолки, энг катта қийинчилигимиз эканини бу ерда айтиб ўтмоқчиман. Инқилоб деб айтаяпмиз-у, аммо инқилобнинг ҳамма белгилари дафъатан пайдо бўлиб қолганида саросимага тушяпмиз. Мана, ҳозирнинг ўзидаёқ, войдод, анархия, беқарорлик, тартибсизлик, фалокат, граждан уруши, ҳалокат, қиёмат деган гаплар эшитилмоқда. Онги зўр кишилардан чиқаётган гап — бу.

Биз туб қайта қуриш билан, инқилобий ислоҳотлар билан шуғулландик, шундай қилмай туриб жамиятимизни жаҳон маърифатига монанд жўшқин ривожланиш йўлига олиб чиқа олмаймиз. Бу ишни биз, эҳтимол, йирик давлатлар орасидаги энг мураккаб ҳамжамиятлардан бирида қиляпмиз. Бизда турли-туман фикрлар, турмуш, иқтисодиёт ҳақида, сиёсий муассасаларнинг иши тўғрисида, сиёсий жараён қандай ўтаётганлиги ҳақида ҳар хил дунёқараш, мафкуравий тасаввурлар бор. Биз учун демократия— эндигина фаҳмлаб олинаётган тушунчадир. Демократик жараёнларни ва ошкораликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган сиёсий маданиятни ўзлаштириб олишимиз учун ҳали қанчадан-қанча куч-ғайратлар сарфлашимиз керак бўларкин. Шу қадар кўп машмашалар келиб чиқдики, бу нарса бизни ҳайратга солибгина қолмай, шу билан бирга ҳавотирликка сабаб бўлмоқда ва ҳатто агар бу демократиянинг намоён бўлиши бўлса, бундай демократиянинг бизга нима кераги бор? — деган саволни ўртага қўймоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси нақадар кескин бораётганини ҳар бир киши кўриб турибди.

Мулкчилик, иқтисодий муносабатлар, меҳнат ва уни рағбатлантириш ҳақидаги тасаввурлар соҳасида энг катта машмашалар содир бўлмоқда. Текисчилик психологияси биз учун ҳалокатлидир. Агар биз барча соҳаларда бутун жамиятни бўғиб турган маъмурий-буйруқбозлик системасига барҳам бериб, ҳамма муассасаларимизни; ҳам ижтимоий, ҳам давлат, ҳам хўжалик муассасаларимизни янгилаш билан бирга мана шу энг қолоқ психологияга барҳам бермасак, уни қўпориб ташламасак, барибир эски ёндашувлар гирдобида қолаверамиз ва суст ҳаракат қилаверамиз. Жамиятимиз ҳам илм-фан, маданият ютуқларига мойил бўлмайди ва паст поғонада қолаверади.

Бир ёки икки йил муқаддам мен Ленининг инқилобдан кейинги дастлабки даврда сўзлаган нутқларини, Лени даврида, ўша йилларда ўтган партия съездларида айтилган ҳамма гапларни қунт билан ўқиб чиқишга киришган эдим.

Ҳамма стенограммаларни тўплаб олиб, ўқиб чиқдим. Ҳар жиҳатдан ибратли бўлди. Бу ҳозир, жамият жуда чуқур, қудратли сиёсийлашган шароитда ҳам ёрдам беради, ўша пайтда ҳам жамият мана шундай ҳолатда бўлган эди. Бугунги муаммонинг муҳокамаси муносабати билан шуни эслайман: съездда Ленин программанинг сиёсий қисми ва унинг бошқа бўлимлари хусусида доклад қилиши керак эди. Бухарин иккинчи маърузачи эди. Хуллас, аввал докладлар қилинди, сўнгра секцияларда шу масалалар юзасидан munозаралар бўлди.

Munозаралардан бири менинг эсимда қолди. Бухарин ва бошқалар биз тақсимловчи коммунизмдан ишлаб чиқарувчи коммунизм сари боришимиз керак, деган фикрни асослаб беришларига тўғри келди. Экспроприация қилинган ҳамма нарсалар тақсимланиб, бир ярим-икки йил ичида истеъмол қилиб бўлинган эди. Ана шунда ишлаб чиқаришимиз кераклиги маълум бўлиб қолди. Ҳозирги матбуотимизни ўқиб кўринглар, у меҳнат ҳақида деярли ҳеч нарса ёзмаяпти. Юксак меҳнат унумдорлиги ҳақида, истеъдод тўғрисида, уни рағбатлантириш ҳақида, ишчи, деҳқон, зиёли, олим, ёзувчининг меҳнатини, умуман унумли меҳнатни рағбатлантириш тўғрисида ҳеч нарса ёзмаяпти. Қаердадир ниманидир тортиб олиб, қайтадан тақсимлаш ҳақида кўпроқ ёзишаяпти. Умуман тақсимот соҳасида ҳақиқатан ҳам нотўғри ишлар кўп. Бу долзарб мавзу бўлиб, мен унинг аҳамиятини камайтирмоқчи эмасман. Бироқ ҳар ҳолда, биз фан-техника тараққиёти орқали, уни олга силжитиш ва рағбатлантириш орқали, мулкчилик munосабатларини ислоҳ қилиб, инсонни иқтисодиёт соҳасида фаол ҳаракат қилувчи шахс даражасига кўтариш орқали жамият тараққиётининг янги поғонасига чиқиб олиш, тузумимизнинг, унумли меҳнатнинг имкониятларини намоён қилиш ҳақида ўйлашимиз керак.

Текисчилик психологиясининг ҳалокатли эканлиги ҳақида неча марталаб гапирган эдим. Биз тақсимотда тартиб ўрнатиб, аввало жамиятимиз турмушининг барча соҳаларида ижодий меҳнатни рағбатлантириш ҳақида ўйлашимиз керак. Агар биз яқин вақт ичида бу соҳадаги вазиятни ўзгартирмасак, миллат сифатида хароб бўламиз, дард устига чипқон деганларидек, одамлар мамлакатимиздан кета бошлайдилар ва ҳозирнинг ўзидаёқ улар кетишяпти.

Бизда истеъдодли меҳнатчини, айниқса у ижарачи бўлса, Рокфеллер деб атайдилар ва қисувга олишга уринадилар. Регионлардан бирида ҳатто ижарачининг фермасини ёндириб юборишибди. Чунки у яхши натижаларга эришган, катта даромад олган ва шу тариқа ҳаммани ноқулай аҳволга солиб қўйган экан. Бизнинг ижтимоий онгимиз қай ҳолатда эканини шу мисол кўрсатиб турибди.

Олий мактаб, бутун халқ таълими системаси мана шу ижтимоий онгни ўзгартиришда бизга ёрдам бериши керак. Ҳеч қандай агитаторлар бу ишни қилмайди. Уни халқ таълимимиз системаси, шу жумладан, олий мактабимиз қила олади. Замоннинг ижтимоий буюртмаси — мана шундай, деб ўйлайман. Акс ҳолда биз кўзлаб турган вазифамизни уддалай олмаймиз. Сиз, суҳбатдошларни яхши билганим учун, сизларнинг хайрихоҳлигингиз ва мададингизга умид қиламан.

Ҳозир биз яшаб турган вазият ҳақида бир неча оғиз сўз айтмоқчиман. Ҳозир биз жамиятимизни қайта қуришнинг энг муҳим, қалтис палласида турганлигимиз бу ерда тўғри айтиб ўтилди. Биз иқтисодий ислоҳотни кучайтириш юзасидан туб чора-тадбирларни амалга оширишга жуда яқинлашиб қолдик, унинг энг устун соҳаларини белгилаб олдик. Яқин кунларда Президентлик Кенгашининг мажлиси бўлади, у бўлиб ўтган икки мажлисни, ҳукуматнинг иқтисодиёт соҳасидаги ислоҳотларни қатъийлаштиришга қаратилган ҳаракат режасини чамалаш соҳасидаги ишларини якунлаши керак.

Биз федерациямиз, миллатлараро munосабатлар соҳасидаги ислоҳотларни бир кун ҳам кечиктира олмаймиз. Ҳозир бу иш билан чинакамига шуғулланиш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ақлий, ҳам амалий шарт-шароитлар мавжуд. Агар шундай қилинмаса, бу жараён стихияли равишда ривожлана бориб, мушкул холатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса бутун қайта қуришга таъсир қилади ва мамлакатдаги сиёсий вазиятни чигаллаштиради. Шу сабабли Федерация Кенгашининг яқин вақт ичида бўладиган мажлиси федерациямизни ислоҳ қилиш ва уни янги мазмун билан тўлдириш жараёнини қандай қилиб, қай шаклда, қайси муддатларда, қандай одимлар билан олга силжитиш тўғрисида принципиал тарзда фикрлашиб олишга бағишланади.

Ниҳоят, сиёсий ислоҳотни оладиган бўлсак, барча поғоналардаги Советлар сайловини ниҳоясига етказиш орқали биз янги депутатлар туркумига эга бўлдик. Янги кишилар: тажрибали-тажрибасиз, тадбиркор-уқувсиз, нафсониятли ёки нафсониятсиз бўлса ҳам, ҳар ҳолда янги кишилар келишди, мана энди депутатларнинг янги туркуми ҳаётга қўшилмоқда, ижроия органларини тузмоқда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг умумий негизлари тўғрисидаги қонун орқали Советларга янги ҳуқуқлар берилмоқда. Шу тариқа биз бу соҳада ҳам юқоридан қуйигача туб ўзгартиришларни амалга оширяпмиз, ҳокимиятни партия органларидан амалда Советлар қўлига топширяпмиз. Бу эса бошқача шароитда шаклланган партиянинг ўзи учун ҳам жуда мураккаб жараёндир. Энди ҳокимият Советларга ўтяпти. Советларда янги шароитда — демократия ва ошкоралик, иқтисодиётни ислоҳ қилиш шароитида ишлай оладиган кадрларни вояга етказиш керак.

Ниҳоят, партиянинг ўзини қайта қуряпмиз. Биз КПССнинг XXVIII съезди арафасида турибмиз. Мамлакатда авж олиб кетган munозарадан бу соҳада қанчадан-қанча муаммолар йиғилиб қолганини ва съезд қайси саволларга жавоб қайтариши лозимлигини кўриб турибсизлар.

Ҳужжатларнинг лойиҳалари хусусидаги съездолди munозарасидан ўтиб, коммунистларнинг фикр ва мулоҳазаларини таққослаб, муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳамма мулоҳазаларни қабул этиб, шу тариқа биз партия билан жамиятни Марказий Комитетнинг янгиланган Ҳаракат дастури орқали программавий мақсадлар билан қуроллантирамиз, деб умид қилмоқчиман. Бу Ҳаракат дастури тубдан янгиланади, деб ўйлайман, Марказий Комитетда комиссия ва ишчи группалар тузилган, улар КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури хусусидаги таклифларни умумлаштириш билан шуғулланмоқдалар. Ўйлайманки, партия Устави ҳам бошқача бўлади. Бу Устав янги, ислоҳ қилинган партиянинг эҳтиёжларини акс эттирадиган ва аввало бошланғич ташкилотлардаги оддий коммунистларнинг ролини ошириш учун партиявий тушунчадаги ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб берадиган Устав бўлади.

Биз съездга мана шундай делегатлар туркумини сайлаш йўлини тутганлигимиз партия ташкилоти зиммасига партия зиммасига тушадиган янги вазифаларни бажаришга қодир бўлган сайлаб қўйиладиган органларни тузиш имконини беради. Айни делегатлар таркиби, коммунистларнинг ўзлари бевосита шакллантираётган мана шу таркиб бунинг учун муҳим шароит яратади, деб ўйлайман. Биз съездда делегатларнинг мана шу туркуми фаол иштирокига таяниб, янги шароитда партия фаолиятига бошчилик қилиб, уни муваффақиятли йўналтириб турадиган Марказий Комитетни ҳам туза оламиз.

Гарчи партиянинг парчаланиши ҳақида ҳам, у ўз мавқеини бериб қўйиши тўғрисида ҳам, у, аслида, Ленин ишини давом эттира оладиган партия бўлмай қолиши тўғрисида ҳам гап-сўзлар бораётган бўлсада, мен ҳеч қандай фавқулодда ҳодисани кутаётганим йўқ. Менинг назаримда, съездолди босқичидан ва munозаралардан, съезднинг ўзидан ўтгач, партия таг-заминли қарорлар қабул қилиб ва ўзининг янги ролини — жамиятнинг сиёсий йўлбошчиси ролини ўзлаштириш йўлида муҳим қадам қўйиб, жамиятда амалга оширилаётган ўзгартишлар юксаклигига кўтарилади. Партия заифлашмаслигига, балки, аксинча, кучайишига менинг ишончим комил.

Биз съездда амалда сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги шароитида қандай ишлашимиз кераклиги тўғрисидаги масалани обдон муҳокама қилишимиз керак бўлади. Чунки тез орада кўп партиялилик шароитида ишлай бошлаймиз, ҳозирнинг ўзидаёқ сиёсий ҳаракатларни, сиёсий ташкилотларни тузиш жараёнлари бормоқда. КПСС мулоқот ва ҳамкорликка, қайта қуриш сиёсатини амалга оширишдан манфаатдор бўлган барча сиёсий ҳаракатлар билан иттифоқ тузишга тайёр бўлиши керак, деб ўйлайман. Шу маънода жамиятимизнинг бутун ақлий, демократик имкониятидан фойдаланиш лозим. Назаримда, биз КПССнинг сиёсий ҳукмронлигидан абадий воз кечганимизни ва демократия, сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги шароитида ишлашга тайёр бўлишимиз кераклигини узил-кесил тушуниб олишимиз даркор.

Хуллас, биз ҳақиқатан ҳам ўзгартишларнинг жуда муҳим палласига яқинлашиб келдик. Биз шуларнинг ҳаммасини уддаласак, турмушнинг ўзи ва қайта қуриш жараёнлари талаб қилаётган тўғри ечимларни топсак, унда ташаббусни узоқ вақтгача қўлга оламиз ва боз устига, қайта қуришни қудратли равишда олга силжитамиз.

Мана ҳозир, шу ойларда ҳамма нарса ҳал бўлади. Бу жараён жўн ўтяптими? Йўқ, кураш жараёнида ўтаяпти. Бунинг устига ҳозир эгалланаётган мавқеар жуда ойдинлашаётган босқич бошланди. Биз мана шу чора-тадбирлар орқали қайта қуришнинг бош йўналишидаги куч-ғайратларни ошираверамиз, тарафдорларимиз ва мададкорларимиз кўпаяверади, деб ўйлайман. Айни вақтда биз, эҳтимол, ҳамма нарсани ўз ҳолида қолдираверишга истагида бўлган муҳолифлар билан ва қийинчиликларни рўкач қилиб, ўзларининг сиёсий нафсониятларини кўзлаб, қайта қуришни қамчиламоқчи, уни тойдириб юбориб, эҳтимолки, бизни йўлдан оздирмоқчи бўлганлар билан кескин кураш олиб бориш заруратига дуч келармиз.

У ҳавф ҳам, бу ҳавф ҳам мавжудлигини айтишим керак. Нақадар аламли бўлмасин, бу нарса Биринчи Май намойишининг якунловчи қисмида кўзга ташланди. Гарчи бу намойиш демократик шиорлар остида ўтказилиши режалаштирилган бўлса ҳам у ердаги баъзи кишилар жамият тўғрисидаги, қайта қуриш ҳақидаги ғамхўрликдан мутлақо олисда эдилар. Бу — шунчаки бошқача фикр эмас, балки сиёсий иғвогарлик эди. Рўй берган воқеани ўз номи билан атамоқ керак. У аввало Ленинга қарши, КПССга қарши, қайта қуришга қарши қаратилган эди. Унинг ташкилотчилари майдонга ярим миллион кишини чиқаришни мўлжаллаган эдилар, аммо атиги 17-20 минг киши чиқди, улар орасида ҳам рўй берган воқеадан кўп киши кейинчалик ўзини четга олди. Буларнинг ҳаммаси демократиядан олисдаги нарса бўлиб, халқ олдида диёнатли ва масъулиятли кишилар бу реакцион хуруждан ўзларини четга олишлари керак, деб ўйлайман.

Биз бош йўналишдан чекинмаслик учун ҳамма ишни қилишимиз: демократик, сиёсий ёндашувлар орқали, жамиятни жипслаштириш, ўзгартириш орқали олга боришимиз ва бизни орқага судраётганларга қарши кескин ҳаракат қилишимиз керак. Жамиятимиз олдида турган муаммоларнинг жавобларини ўтмишдан топиб бўлмайди. Ўтмиш сабоқлари бор ва, албатта, олдинги авлодлар қилган яхши ишлар бор.

Қатъият билан олга бориб, социалистик йўл доирасидаги ўзгартишларни давом эттириб, жаҳон маърифати тажрибасини ҳисобга олиш йўли билан жавоб изламоқ керак. Ўйлайманки, биз мана шуларнинг ҳаммасини уқиб олдик, бу хусусда гарчи munозара бўлаётган бўлса ҳам бу фикр бир шаклга кирди. Баъзи кишилар умумбашарий қадриятларни яна сиёсатга асос қилиб олиш — социализм мавқеини оз бўлмаса бой бериб қўйишдир, деб ҳисобламоқдалар. Бизни ижод қилиш имкониятидан маҳрум этиб қўйган ақидапарастлик, қироатхонлик ва эскича тафаккурдан мана шу фикр келиб чиқади. Турмуш жўшқин тус олган пайтларда, у ёки бу назарий қоидаларнинг заифлигини воқеалар мантиқининг ўзи кўрсатган ва уларни қайта қуришни талаб этган пайтларда классиклар ўз қарашларини тубдан ўзгартирар эдилар.

Тақдиримиз ҳал бўлаётган мана шу бурилиш даврида вазифаларни муваффақиятли ҳал этишимиз жуда муҳимдир. Чунки яна 10, 15, 20 ва 100 йилдан кейин қандай яшашимиз шу вазифаларни қандай ҳал қилишимизга боғлиқ бўлади. Жамиятнинг ақлий меҳнат билан шуғулланувчи қисми, зиёлиларимиз, олий мактабимиз шу даврда партиянинг тараққийпарвар кучлари билан бирга бўлиши баъзи учун жуда муҳимдир. Мана шу қийин босқичда ҳар жиҳатдан ҳам ақлий, ҳам амалий мадад беришлари керак. Ўз касбдошларингизга ва студент ёшларимизга шу фикрни етказишингизни истайман.

Мен студентлар билан учрашдим, улар билан батафсил, гаплашдим. Улар билан мулоқотдан менда чуқур таассурот қолганини айтишим керак. Умуман ёшлар, йигит ва қизлар биз билан бирга. Ҳозир улар ўз ўрнини изламоқда, чунки улар келгусида ҳали кўп яшашлари кераклигини тушунадилар. Биз студентлар билан доимо алоқада бўлишимиз, доимий мулоқот қилиб туришимиз керак. Бу ерда бугунгидек учрашувларни мунтазам ўтказиб туриш зарурлигини айтишди. Мен ҳам шундай, деб ҳисоблайман. Вақт нақадар тиғиз бўлмасин, шундай имкониятларни топиш, рўйрост гаплашиш, бир-биримизнинг фикримизни тушунишимиз учун шубҳа-гумонларни яшримаслик ва олдимизда турган вазифаларни биргаликда ҳал қилиш керак.

Сиз билан биз биргаликдаги фикр-ўйлар бу учрашув биргаликдаги янги фикр ва мулоҳазаларимиз учун илк нуқта бўлиб қолиши, натижада биз олий мактаб соҳасида жамиятимиз тараққиёттининг ҳозирги босқичи манфаатларига мос келадиган давлат сиёсатини ишлаб чиқишимиз керак. Агар биз таълимни қайта қурмасак, барча ислоҳотлар ҳалқимизнинг ақлий саёзлигига бориб тақалаверишини тушунишимиз керак. Демак, бу — энг муҳим масала. Бу хусусда фикримиз бир жойдан чиқади деб умид қиламан. Келинглар, айни мана шу баҳамжиҳатликка асосланиб иш бошлайлик. Учрашув учун сизларга ташаккур.

(ТАСС).

Бир йил муқаддам Наманган таксомотор паркида фойдаланилмай ётган ўнлаб «Москвич» машиналарини учратиш мумкин эди. Уларнинг бир қисми эҳтиёт қисмлар йўқлиги, иккинчи қисми эса ремонт ишларининг чўзилиб кетганлиги туфайли жойидан қимирламасди. Бундай «бекорчи» автомобиллар ҳисобига автокорхона йилига бир неча минг сўмлик даромадини йўқотиб келар эди.

МЎМАЙ ФОЙДА. НИМАДАН?

Бугунги кунда гаражда бекор турган «Москвич»ни учратиш амри-маҳол. Ҳатто ремонт хизмати мутахассислари ҳам мазкур маркадаги автомобилларни ойига икки-уч марта кўришади, холос. Негаки, бу «Москвич»ларнинг анчагинаси ҳайдовчиларга ижарага берилган.

— Эндиликда таксопаркка вақт-бевақт келавермаймиз. Фақат кассага ижара ҳақини тўлаш, бензин ҳамда эҳтиёт қисмлар олиш ва баъзида автомобилни ремонт қилиш учун келиб турамиз, — дейди ижарачи-ҳайдовчи Наби Саматов. Биз, ижарачилар учун ҳар бир дақиқа ғанимат, босиб ўтилган ҳар бир километр масофа ҳисобда бўлади. Чунки бекорга вақт ҳам, ёнилғи ҳам сарфлай олмаймиз.

Корхонада «Москвич»ларнинг ижарага берилиши туфайли ҳайдовчилар фаолиятида ўнгланиш сезилиб, юқори самара билан ишлашга рағбат кучайди. Автомобилларнинг илгаригидек бекор туришига барҳам берилди. Ижарачилар учун ўз машиналарининг кўпроқ ҳаракатдалигини таъминлаш муҳим бўлиб қолди. Аслида бу нарса таксопарк маъмурияти ва ҳайдовчилар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ амалга ошириляпти. Шартномада қуйидагилар белгилаб қўйилган: «Москвич»ни ижарага олган ҳайдовчи ҳар ойда таксопарк кассасига 1319 сўм ижара ҳақи тўлаб боради. Маъмурият эса ўз вақтида ҳайдовчига ойига 463 литр бензин, автомобилни ремонт қилиш ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 83 сўм пул беради, ҳайдовчининг малакасига қараб, 348 сўмдан 379 сўмгача иш ҳақи тўлайди. Ижара ҳақи тўлашдан ортган даромад ҳайдовчининг ўзига қолдирилади.

Янгича ишлаш уддабуронликни талаб қиляпти. Чунки ижарачи ўйлаб, топиб, тежамкор бўлиб ишлаши керак. Шунинг учун ҳам дастлабки пайтда бор-йўғи 20 нафар ҳайдовчигина ижарачи бўлишни хоҳлади. Лекин, аста-секин янгиликнинг ўзига хос афзалликларини тушуниб етган ҳайдовчилар сони орта берди. Ҳозирги кунда таксопаркнинг 62 та «Москвич»ида «Ижара пудрати» деган ёзув бор. Ўтган беш ой ичида бунга қўшимча яна 37 та «Волга» ҳайдовчилари ҳам ижара усулида ишлай бошладилар.

Ижарачи ҳайдовчиларнинг шахсий жавобгарлиги пировард натижаларга эришишда аниқ ҳисоб-китобли, тежамкор бўлишга ундамоқда. Нормадан ташқари бўш масофа босиб ўтиш, ремонт муддатини чўзиб юбориш, ажратилган ёнилғини хўжасизларча сарфлаш ижара қоидаларига тўғри келмайди. Агар ҳайдовчи бир ой ичида нормада белгиланган ижара ҳақи суммасини ишлаб топмаса, бундай ҳолларда камомадни ўз ҳамёнидан тўлашга мажбур бўлади. Мабодо, у отпускада ёки даволанишда бўлса, бундай жарималарни тўламайди.

Кўпгина ҳайдовчилар фикрича, ижара шартлари жуда кескин бўлса-да, лекин илгаригидан кўра кўпроқ мустақилликни, ташаббускорликни таъминламоқда. Таксопарк ижарачиларининг асосий қисми область марказига яқин аҳоли пунктларида яшашади. Эндиликда улар иш жойигача бекорга вақт сарфлаб бориб ўтирмайдилар. Ўз шахсий гаражларидан машина ҳайдаб чиқишлари биланоқ уларнинг иш куни бошланади. Бинобарин бўш вақтга ҳам, бўш юришга ҳам имконият қолмаяпти. Негаки, норматив бўйича «Волга»лар учун ҳар 100 километрга 20 литр, «Москвич»лар учун 25 километр бўш масофа босиб ўтиш белгиланган бўлса, ижарачилар учун эса ҳар 100 километрга 10 километр бўш юриш белгилаб қўйилган. Автомобилда бўш масофа босиб ўтишни кескин қисқартириш, бензинни иқтисод қилиш ва ремонт ишларини қисқа муддатларда тугаллаш — буларнинг ҳаммаси ҳайдовчига қўшимча 80—120 сўм миқдорида фойда келтиряпти.

— Ижара усулини кенг қўллашимиз туфайли корхонамизнинг анчагина муаммолари ҳал бўляпти, — дейди таксопарк бош инженери Жўра Дадамирзаев. — Кейинги пайтда автомобиллар масофа босиш коэффициенти кескин ошиб, смена ҳайдовчилари сони қисқарди.

Таксопаркда ижара зарар ўрнига фойда бера бошлади. Ҳозир ҳар бир автомашина ойига 584 сўм даромад келтиряпти. Кўпчилик ҳайдовчиларнинг янгича шароитда ишлаши автокорхона коллективининг юқори натижаларга эришишида муҳим омил бўлмоқда. Автотранспортчилар шу йилнинг иккинчи кварталидан бошлаб ўз хўжаликларини бутунлай ижара пудратига ўтказишни мўлжаллашяпти.

А. АНДРЕЕВ,
Наманган области.

Хўжаликни янгича юритиш сабоқлари

КУЧЛАРИМИЗНИ ЖИПСЛАШТИРАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бузғунчи кучлар ўз нафсониятларини қондириш йўлида ҳар қандай миш-миш ва уйдирмалардан фойдаланмоқдалар. Масалан, Ўзбекистондан армия сафларига йигитларни хизматга чақириш муносабати билан бугунги кунда қанчадан-қанча гаплар бўлмоқда. Республика Президенти, табиийки, бу мавзуни ҳам тилга олди. Ў: **Ўзбекистонлик йигитлар эндиликда Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи ҳудудида ҳарбий-қурилиш қисмларида хизмат қиладилар,** деб таъкидлади. Бу — республика ҳукумати эриша олган амалий тадбирларнинг биттасидир.

Ўзбекистон ҳозир кўп қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Иқтисоднёт, ижтимоий соҳа, экологияда — турмушимизнинг исталган соҳасида кўп нуқсонлар, камчиликлар бор. Буларнинг ҳеч қайсисидан кўз юмиб бўлмайди, лекин буларни фақат ўтмиш хатолари билан изоҳламаслик — Тошкент коммунистларининг ҳозирги вазифасидир.

Партия ташкилоти, шаҳар комитети аҳволни барқарорлаштириш юзасидан анча ишлар қилмоқда, дейилди конференцияда. Лекин ҳамма ишларни қиляптими? Афсуски, йўқ. Масалан, сайлаб қўйиладиган партия органлари шаҳар ва район комитетлари идораларидан устун бўлиши кераклиги анчадан бери маълум. Аслида эса бунинг акси бўлаётганлиги кўриниб турибди. Шаҳар комитетида бир неча доимий комиссия тузилган. Уларга котиблар бошчилик қилишади, комиссиялар таркибига маош олиб ишлайдиган бир неча партия ходими кирган, лекин унинг асосий қисмини шаҳар комитетининг аъзолари ташкил этиши зарур. Бироқ бу ердаги асосий ишни аппарат ходимлари бажармоқдалар. Шундай қилиб, иш услуби ва усуллари тубдан янгиланганлиги тўғрисида ҳали гапиришга вақт эрта.

Ҳолбуки, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Тошкент шаҳар партия комитетининг ҳисоботида бир неча ташвишли рақам бор. Олти ой ичида партия сафларига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кам, атиги 163 нафар ишчи қабул қилинган. Шу олти ой мобайнида эса 309 нафар коммунист партия билетини қайтариб берган. Энг аввало ўз фароғатини кўзлаб партияга кирган манфаатпарастлар уларнинг бир қисмини ташкил этади, деб ўйлаган тақдирда ҳам, барибир, бу рақам каттагина рақамдир. Бундай вазиятда шаҳар комитетининг янги аъзолари ишчилар орасидаги таъсирни йўқотмаслик учун анча кўп куч-ғайрат сарфлашларига тўғри келади. Бунга эса меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга доим тайёр бўлган тақдирдагина, одамларнинг бу ижтимоий гуруҳида кечаётган жараёнларни аниқ билгандагина эришиш мумкин.

Яқинда бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари бўлиб ўтди. Уларда коммунистлар район ва шаҳар партия комитетларини шанига анчагина танқидий мулоҳазалар, таклифлар айтишди. **Улар ўз раҳбар органларидан партия иши мазмуни ва услубини қайта қуриш борасида аниқ бир мақсадни кўзлаб кўпроқ ҳаракат қилишни, ижтимоий муаммоларни тезроқ ҳал этишни талаб қилмоқдалар.**

Конференция Тошкент шаҳар партия комитетининг ишини қониқарли деб топди.

Конференция қатнашчилари бевосита яширин овоз бериш йўли билан А. И. Фозилбековни шаҳар партия комитетининг биринчи котиби, Ю. А. Асепковни иккинчи котиб, Х. М. Абдураимовни котиб этиб сайладилар.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия ташкилотининг раҳбар органлари сайланди. Унинг қатнашчилари юқори партия органлари таркибига номзодларни тавсия қилдилар, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига ва КПССнинг XXVIII съездига делегатлар сайладилар.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари қатнашдилар. **(ЎзТАГ).**

Область Советларининг сессиялари

УРГАНЧ, 14 май. (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Хоразм область Советининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унинг қатнашчилари ташкилий масалани кўриб чиқдилар. К. Ҳалимбетов Хонқа район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланиши munосабати билан область ижроия комитети раиси лавозимидан озод қилинди.

Боғот район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган А. Искандаров область ижроия комитетининг раиси этиб сайланди.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимининг мудири П. В. Догонкин, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари, халқ депутатлари область Советининг раиси Р. М. Худойберганова сўзга чиқдилар.

* * *

Гулистонда халқ депутатлари Сирдарё область Советининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Область партия комитетининг секретари Ю. Йўлдошевнинг область Советининг раиси ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисидаги аризаси қондирилди. Сирдарё область партия комитетининг биринчи котиби А. А. Айдарқулов халқ депутатлари область Советининг раиси этиб сайланди. Илгари область партия комитети давлат — ҳуқуқ бўлимининг мудири бўлиб ишлаган Р. Ҳ. Ҳайдаров область Совети раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Президентининг республика аҳолиси шахсий ёрдамчи хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисидаги Фармонини бажариш вазифаларини ҳам кўриб чиқдилар. **(ЎзТАГ).**

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Президентининг таклифига мувофиқ, Миср Араб Республикасининг Президенти Ҳусни Муборак расмий дўстона ташриф билан 14 май куни Москвага келди.

Внуково аэродромида Ҳ. Муборакни СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси Е. М. Примаков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Автомашиналар кортежи мотоциклчиларнинг ҳамроҳлигида аэродромдан Кремлга йўл олди.

(ТАСС).

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Ўзбекистон ССР Савдо-саноат палатасида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Кенгаш ишида СССР Савдо-саноат палатаси президиумининг раҳбарлари, иттифоқдош республикалар Савдо палаталари президиумларининг раислари, йирик саноат корхоналарининг, ташқи иқтисодий ҳамкорлик уюшмаларининг, қўшма корхоналарнинг директорлари иштирок этди.

СССР Савдо-саноат палатасининг мутахассислари бир қанча саволларга жавоб қайтардилар, кенгаш иштирокчиларига ташқи иқтисодий фаолиятнинг долзарб муаммолари хусусида маслаҳатлар бердилар.

Бу хабарни СССР савдо-саноат палатаси президиумининг раиси **В. Л. Малькевич** шарҳлаб берди:

— Ўзбекистонда кейинги йилларда ташқи иқтисодий фаолиятга қизиқиш ошганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Республикада кўп йиллар мобайнида зарур қайта ишлаш комплекси ривожлантирилмай, асосий эътибор хомашё ишлаб чиқаришга қаратилган эди. Бу, республикани мураккаб аҳволга солиб қўйди. Энди эса тўғридан-тўғри ташқи бозорга чиқиш имконияти пайдо бўлди. Ўзбекистонда салмоқли ишлаб чиқариш ва хом ашё базаси, меҳнат ресурслари бор. Бу эса — чет эл фирмалари ва инвестицияларини жалб этиш учун жуда яхши шароитдир. Шу munосабат билан республика савдо-саноат палатаси катта ишларни амалга ошириши керак бўлади. Мен Америка, Тайланд, Индонезия, Австралия, араб мамлакатлари савдо-саноат палаталарининг вакиллари билан суҳбатлашишимга тўғри келган эди. Бу, республикани мураккаб аҳволга солиб қўйди. Энди эса тўғридан-тўғри ташқи бозорга чиқиш имконияти пайдо бўлди. Ўзбекистонда салмоқли ишлаб чиқариш ва хом ашё базаси, меҳнат ресурслари бор. Бу эса — чет эл фирмалари ва инвестицияларини жалб этиш учун жуда яхши шароитдир. Шу munосабат билан республика савдо-саноат палатаси катта ишларни амалга ошириши керак бўлади. Мен Америка, Тайланд, Индонезия, Австралия, араб мамлакатлари савдо-саноат палаталарининг вакиллари билан суҳбатлашишимга тўғри келган. Улар республикангиз билан ҳамкорлик қилишни жуда-жуда исташади. Иқтисодий структурани машинасозлик ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш томонга ўзгартириш учун реал имкониятлар бор.

Бизнинг делегациямизни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ва республика Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов қабул қилди. Бизни амалда барча масалалар бўйича яхши тушунишди ва амалий манфаатдорлик билдиришди. ССР Иттифоқи савдо палатасининг республика ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришдаги, хусусан маҳаллий меҳнат ресурсларини жалб этиб, кичик ва ўртача қўшма корхоналар ташкил этишдаги имкониятларини муҳокама қилинди. Ишлар тўхтатиб қўйилган объектлар қурилишини тугаллаш, узоқ вақтдан буён давом этаётган қурилишларни тугатиб, кейин бу бинолардан меҳмонхоналар, қўшма корхоналар сифатида ёки узоқ муддатли ижарага беришда фойдаланиш учун Ғарбдаги шерикларни жалб этиш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди. Шундай қилинса республика икки-уч йилдан кейин қўшимча қатъий валютага эга бўлган бўлур эди...

Мана сўнгги янгилик. Республика Давлат план комитетининг ҳисоблаш маркази учун мўлжалланган ва деярли ўн йилдан буён чала қолаётганлиги билан Тошкент аҳолиси таъбини хира қилиб келган кўп қаватли бино халқаро савд

ҚАЛОВИНИ ТОПГАН ЮТАДИ

Район-шаҳар комбинатлари— истиқбол йўли

Қайта қуришнинг сўзсиз шартларидан бўлмиш демократиялаш ва ошкоралик бир қатор муаммоларни очиб ташлади. Эндиликда жамиятимиз олдида ижтимоий ва иқтисодий масалаларни тезроқ ҳал этиш вазифаси турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бир миллиондан зиёд киши беиш юрибди. Жумҳуриятимиз мамлакат бўйича энг кам даромад кўрадиган ўлка бўлиб қолган. Битта ишловчи ҳисобига бизда энг кўп боқиманда тўғри келади. Биз ҳаммадан кам гўшт истеъмол қиламиз. Ғалати туюлса-да, мева-сабзавот ҳам камайиб кетган. Бошқаларга қараганда мактаблар ва болалар боғчалари, спорт ва маданият муассасалари танқис. Бу рўйхатни яна давом эттириш ва ҳатто унинг айбдорларини қидириб топишга интилиш ҳам мумкин.

Буларнинг ҳаммаси маълум. Лекин мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг йўлларини топиш ҳаммасидан ҳам муҳимдир. Ҳа, юзага келган аҳвол ҳақиқатан ҳам мураккаб. Аммо уни яхшилашнинг йўллари бор ва уларни қидириб топишни давом эттиришимиз керак.

Бу соҳада маҳаллий саноатнинг роли каттадир. Шу йил апрель ойида, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сессиясидан кейинроқ регионимизнинг барча ноҳияларида район-шаҳар саноат комбинатларини ташкил этиш тўғрисида республика ҳукумати қарор қабул қилди. Уни Ўзбекистон Президенти маъқуллади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу тадбир ўз моҳиятига кўра, новаторларча топилган илғор йўлдир. Гап шундаки, кейинги пайтларда аҳволдан қутулиш тўғрисида кўп гап сотиляпти, хилма-хил фикр-мулоҳазалар билдириляпти. Аммо нима қилиш кераклиги ҳақида қарийб ҳеч нима дейилмасди. Янги қарорнинг чиқанлиги жумҳурият кўламида принципиал янги типдаги корхоналар — давлат-кооператив комбинатларини вужудга келтириш имконини беради.

Яхши қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг ўзи кифоя эмас. У қарорлар кучга киргандагина аҳамият касб этади. Бу эса ишлаб чиқариш соҳасига ўн минглаб кишиларни жалб этиш ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва маҳсулотларини қайта ишлаш ва реализация қилишни, консервалар тайёрлашни, тандир ясаш ва нон ёпишни, металл буюмларини ремонт қилишни, миллий оёқ кийимлари, кийимкечаклари тикишни режалаштирмоқда.

Ҳозиргача 37 та ана шундай корхона ташкил этилган. Бу йил уларнинг миқдори 70 тага, келаси йили эса 154 тага етади. Бундай корхоналарни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган маҳаллий Советлар биз билан жиддий тайёргарлик ишларини олиб боришяпти. Натижада муайян ютуқлар қўлга киритилмоқда. Мисол учун Яккабоғ районини олайлик. Бу ерда колхозлар ва совхозлар раҳбарларини, обрўли кишиларни, ҳурматли оқсоқолларни йиғиб, маслаҳатлашиб олинди. Кейин саноат комбинати тузилди. Дарвоқе, маҳаллий Советлар комбинат балансига «Кисловодск» типидаги иккита модулни, кенг территорияни беришга қарор қилдилар. Бу ерга пилорама, ёғочни қайта ишлайдиган, темир тўрлар тўқийдиган цехларни жойлаштиришди. Бундан ташқари бутун район ҳудудида 56 та участка ташкил этишга келишиб олинди. Уларда чоғроқ ишлаб чиқаришлар жойлаштирилади. Эндиликда мазкур комбинат районни ғишт, оҳак, ёғоч ва металл буюмлари, кунжут ёғи, лимонад, Шарқ қандолатлари ва бошқа нарсалар билан таъминлайди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас унда салкам минг киши ишлаши керак. Ўшанда қарийб 8 миллион сўмлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.

Бундай ижобий мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо гап бунда эмас. Биз юқоридан бериладиган буйруқ асосида ишлашга кўникиб қолинганлигини тўғри танқид қилмоқдамиз. Лекин барибир мустақил ишлаш соҳасида етарли тажрибага эга эмаслигимизни тан олишимиз даркор. Шу боис биз республикамизнинг барча аҳолисига мурожаат қилиб, улардан район-шаҳар саноат комбинатлари қандай ишлаши ва қайси фаолият билан шуғулланиши кераклиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини бевосита республика Маҳаллий саноат министрлигига (манзилгоҳимиз: 700078, Тошкент, Намойишлар хиёбони, 5) билдиришларини сўрардик. Мазкур корхоналар олдига қўйилган асосий вазифа — жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлмаган кишиларни меҳнатга жалб этиш, халққа керакли маҳсулотлар ва хизматлар турларини ва миқдорини кўпайтириш, табиий ресурслар ва маҳаллий резервлардан фойдаланиш эканлигида келиб чиқиб, ўз истак ва таклифларингизни билдирасиз, деб умид қиламиз.

Биз сизлардан аниқ-равшан маслаҳатларингиз билан халқ турмуши даражасини оширишга кўмаклашадиган район саноат комбинатларининг оёққа туриб олишига ёрдам беришингизни жуда-жуда истар эдик.

В. ЧЖЕН,
Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министри.

• *Олим муаммо қўяди*

ҲАР ТОМЧИ ҚАДРИ

Ўзбекистонда олинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90 фоизи суғориладиган ерларга тўғри келади. Унинг теварагида суғориш системалари мавжуд сув манбаларидан 50 куб километрга яқин сув олади. Ана шундай ерлар майдони 4 миллион гектардан ортиқ. Суғориладиган ерларни яна да кенгайтириш сув ресурсларининг тўла-тўкис сарфланаётганлиги туфайли чеклангандир. Айни пайтда ҳосил олинадиган ерлар майдони жумҳурият аҳолиси жон бошига муттасил қисқариб боряпти ва ҳозирги пайтда 0,18—0,20 гектардан ошмайди. Шунга кўра жумҳуриятнинг умумиттифоқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари фондини яратишга қўшаётган ҳиссаси камайиб бормоқда.

Хўжаликдаги мелиорация системалари ва улардан фойдаланишнинг паст техник савияси сувларнинг кўплаб исроф бўлишига олиб келмоқда. Барча қишлоқ хўжалик экинлари шу пайтгача қўлда суғориб келинади. Ягона техника воситаси — сувчининг қўлидаги кетмондир.

Шўр ювиш ва вегетацион суғориш ҳозирги техника ва технология воситасида жуда катта қўл меҳнатини талаб этади. Пахта ва бошқа экинларни суғориш технологиясида бу ҳолат ҳал этилиши зарур бўлган энг муҳим соҳадир. Бу муаммолар ўз вақтида ечимини топмаса мелиоратив ишланган ерлар ҳосилдорлиги биз кутган даражага кўтарилмайди. Ҳолбуки, юқори ҳосилдорликка эришиш учун имкониятларимиз етарлидир. Суғориладиган ерларни интенсивлаштириш республикада бир қатор техник ечимларни замонавий илмий жиҳатдан таъминлашни жиддий талаб этади. Булар мелиоратив лойиҳаларнинг мазмунини ташкил қилади. Бунинг учун сув омборларини бунёд этиш экология нуқтаи назаридан кўриб чиқилмоғи, мелиоратив тадбирлар системаси илмий асосланган, комплексни ўз ичига олмоғи лозим. Мелиоратив лойиҳалардаги инженерлик агротехник, ўрмон хўжалиги ва ташкилий тадбирларнинг узвий алоқаси— табиий ресурсларга ҳам мослашмоғи даркор. Баъзи мелиоратив лойиҳалар гоҳида танқид қилинади. Уларда кишилар учун зарур бўлган нарсаларни етказиб бериш мақсад қилинади-ю, аммо экологик, техник, мелиоратив ва иқтисодий жиҳатдан етарлича илмий асосланмайди. Бу лойиҳаларнинг объектлари табиий-хўжалик вазияти билан мутлақо алоқаси йўқ.

Буларнинг ҳаммаси мелиорация фанининг пойдевори илмий тадқиқотлар билан мустаҳкам эмаслигини кўрсатади.

Маълумки жумҳуриятимизда ўтган йилдан бери сув хўжалиги соҳасидаги тадқиқотлар билан ўқув институтлари шуғулланмоқда. Бироқ уларнинг иш натижалари ҳалигача кўринганги йўқ. Фан тавсиялари билан суғориш тажрибаси ўртасида катта фарқ бор. Масалан, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш бўйича тавсия қилинаётган техника оқибатида ҳақиқатдан ҳам кўплаб сувлар исроф бўляпти. Оролбўйи районларида жуда оғир аҳвол вужудга келганлигининг сабабларидан бири ҳам ана шундадир. Бу тўғридан-тўғри Оролнинг ҳалокатидан кўринiб турибди.

Региондаги сув манбаларидан комплекс фойдаланишни ҳисобга олган чуқур илмий тадқиқотлар йўқ.

Сув хўжалиги ва мелиорация муаммоларига таллуқли бўлган муҳим масалалар жуда кўп. Жумҳуриятда сув бўйича, ер бўйича рўй берган хавотирли вазият уларга алоҳида эътибор беришни талаб этади. Ҳозирги пайтда бу табиий ресурслардан рационал фойдаланилмаяпти. Фан штаби — республика Фанлар академиясидаги илмий тадқиқотлар бу соҳадан аниқ узоқлашиб кетди. Жумҳуриятда Ўзбекистон ССР фан ва техника комитети дастлабки 40-йилларда Фанлар академиясига йўлдош бўлган эди. Машҳур гидротехник-мелиоратор А. Н. Аскогинский, В. В. Пославский, Б. Д. Коржавин, Р. А. Алимовлар Ўзбекистонда ирригация ва мелиорация қурилишини ривожлантириш учун жуда кўп ишлар қилишди. Уларнинг номи нафақат мамлакатимизда, балки, чет элларда ҳам маълумдир. Академик В. В. Пославский раҳбарлигида яратилган «Ўзбекистон ирригацияси» деб номланган кўп жилдлик асарлар академияда яратилган энг қимматли илмий асар бўлиб қолди.

Р. Алимов умрининг сўнгги дақиқаларигача академия қошида сув муаммолари ва мелиорация институтини бунёд этиш учун қатъият билан кураш олиб борди. Баъзан бу масала «эртага» ижобий ҳал этиладигандек туюларди. Аммо орадан йиллар ўтди, жумҳурият шароити ва академия фанида масъул ўринни эгаллаши керак бўлган бу институт ҳамон ташкил этилмади. Бугунги кун Фанлар академияси қошида ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш лойиҳаларининг юксак савиясини таъминлаб, бу соҳадаги тадқиқотларга раҳбарлик қиладиган институтни талаб қилмоқда. Фанлар академияси Оролнинг аччиқ тақдири учун маънавий жавобгардир.

«Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади» — бу гоя ва кўрсатма амалий ишларни рўёбга чиқариш ва фаннинг муаммолари масалаларини ҳал этишда долзарбдир. Жумҳурият учун сув хўжалиги муаммоларининг аҳамиятини чуқур тушуниш ва уни ҳал этишда Фанлар академиясининг жавобгарлигини ҳис этиш Академия раҳбарияти учун муҳим масаладир ва бу масалага амалий ёндашмоқ керак.

А. РАЧИНСКИЙ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг профессори, техника фанлари доктори.

• *Мунозара учун мавзу*

ТАДҚИҚОТНИНГ ОЛИС ЙЎЛИ

Фан янгилигини қишлоқ хўжалигига жорий қилиш кечикмоқда

Кейинги вақтда пахта етиштиришда фойдаланиладиган кўплаб заҳарли химикатларни ишлатиш таъқиқланди. Экин майдонларига солинаётган минерал ўғитлар миқдори эса камайтириб бориляпти. Тўғри, бу ўғитлар таркибида фан тилида макроэлементлар деб ном олган, экиннинг ривожланишида ва ҳосил йиғишида катта роль ўйнайдиган озиқлантирувчи моддалар мавжуд. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор.

Неча ўн йиллардан бери муттасил пахта экиб келинаётган ер майдонларидан ҳозирги кунда фақат ана шу ўғитларни нормадагидан бир неча баробар ортиқ солиш ҳисобигагина ҳосил олинмоқда. Гарчанд мутахассислар кейинги вақтда гектар бошига солинаётган ўғитлар миқдори бирмунча озайтирилмоқда, деб таъкидлаётган бўлсалар-да, бу борада ҳали кескин ўзгаришларга эришилгани йўқ. Пойтахт вилоятимиз табиатни муҳофаза қилиш комитети ходимлари яқинда тайёрлаган ҳужжатлардан бири ҳам шундан далолат беради:

«Вилоят қишлоқ хўжалигига кимёвий хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг маълумотларига кўра вилоятнинг 4 та базаси (Бўстонлиқ Бекобод, Кучлик ва Янгийўл) га ҳар йили 300 минг тоннадан минерал ўғит келиб тушади. Ҳар йили шунча миқдорда олингач, демак ҳар йили шунча миқдордаги ўғит ишлатилади ҳам. Уни вилоятдаги экин майдонларининг ҳар гектарига тақсимлаб чиққанда эса бир гектар бошига 800 килограммдан тўғри келяпти. Ваҳолонки, бу кўрсаткич 340—350 килограммдан ошмаслиги керак».

Бу сўнгги миқдор албатта экинларнинг макроэлементларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланган. Қўпчилик хўжаликлар ерларида ана шу муҳим элементлар бўйича анализлар ўтказилиб, экин майдонларининг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжи харитаси тузиб қўйилган, озиқлантириш ана шу асосида олиб борилади. Лекин бу харитани мукаммал деб бўлмайди.

Чет элларда экин майдонлари тупроғини ўсимлик яхши ривожланиши учун зарур бўлган барча элементлар бўйича анализ қилиб, кенг кўламли мукаммал харитани тузиш аллақачон йўлга қўйилган. Бунда тупроқ таркибидаги ўсимликлар учун кўплаб керак бўлмасада, уларнинг ривожланишида ҳосил тўплашида муҳим роль ўйнайдиган микроэлементлар миқдори ҳам ўрганилади. Бизда эса бу ишлар ҳали лаборатория шароитидан чиққани йўқ. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти илмий ходими Қ. Абдусаматовнинг ана шу элементлардан бири марганец ёрдамида пахта ҳосилдорлигини ошириш устида иш олиб бораётганига неча йиллар бўлиб кетди. Унинг дастлабки икки гектар ердагина бошланган тажриба майдони ҳозир 20 минг гектардан ошган. Бу ерлардан гектар бошига 4—5 центнердан қўшимча ҳосил олиняпти.

Жумҳуриятимизда Қурбонали Абдусаматовдан илгари ҳам бир неча олим экин майдонларини марганец билан озиқлантириш устида изланиш олиб борган. Улар марганец ҳосилдорликни оширишини, вильтни камайтиришини исботлашган-у — Аммо уларнинг қўлларида шу фикрларини исботловчи илмий ва амалий жиҳатдан асосланган далиллари йўқ, — дейди Қ. Абдусаматов.

У эса ҳар йили марганец билан озиқлантирилаётган ер майдонларини муттасил кенгайтириб келяпти. Ўтган йилларда ана шу ерларда гектар бошига солиниши керак бўлган марганец миқдорини аниқлаш учун 72 колхознинг 102 минг гектар еридан 60 минг анализ олди. Ана шу машаққатли меҳнатлари натижасида пойтахт вилоятимиз экин майдонларининг кенг кўламли харитасини ишлаб чиқди. Гектар бошига солинадиган марганец миқдорини аниқлади. Унинг таъкидлашича, бу кўрсаткич ўрта ҳисобда 25 килограммни ташкил этиши керак.

Қурбонали Абдусаматов ўз кузатувлари давомида марганец билан озиқлантирилган ғўзада юз берадиган ҳар бир ўзгаришни назаридан четда қолдирмаган. Мисол учун оддий шароитда унинг илдизи ер қаърига 15—20 сантиметр чуқурликкача кирса, марганец билан озиқлантирилганда 0,5 метргача ўса олади. Демак, ўсимликнинг ўз эҳтиёжи учун етарли миқдорда озиқланишига яна ҳам кенгроқ имконият юзага келади. Шунинг учун ҳам ғўза марганец сулфати билан озиқлантирилганда тез ривожланади. Муддатидан бир неча кун илгари шоналайди. Бундан ташқари табиий шароитда 40—45 фоиз, марганец билан озиқлантирилганда эса 60 фоизгача шоналарини тутиб қолади. Одатдагидан 2—3 тагача кўп кўсаклайди. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ғўзанинг юқори қисмидаги кўсаклар ҳам ўрта бўғиндаги кўсаклардек бўлиқ бўлади. Ҳатто энг қасалга чалинувчан 108—Ф нави ҳам вильтдан деярли халос бўлади. Пахтанинг очилиши тезлашади. Тола ҳамда чигитнинг сифати яхшиланади.

Марганец билан 1987 йилда пойтахт вилоятининг Коммунистик ноҳиясидаги К. Маркс номли колхозда тажриба ўтказилган. Бунинг учун хўжаликнинг 1-бригадасида 80 гектар, 3-бригадасида 40 гектар ер ажратиб олинди. 1-бригадада 40 гектар ерига марганец солиниб, 40 гектар ери ўртадаги фарқни назорат қилиш учун қолдирилди. 3-бригадада эса мавжуд ернинг 30 гектарига марганец солиниб, 10 гектари назорат учун қолдирилди. Мавсумда 1-бригаданинг тажриба майдонидан 26 центнердан, назорат майдонидан эса 21 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ўртадаги фарқ 5 центнерни ташкил этди.

3-бригадада эса тажриба майдонидан 32 центнердан, назорат майдонидан 26 центнердан ҳосил олинди. Бу гектарларда эса ўртадаги фарқ 6 центнерга етди.

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги Киров номли ўқув хўжалигида Тошкент қишлоқ хўжалигининг 10 фоизи миқдорида фойда келтиряпти. Шунинг учун ҳам Қ. Абдусаматовга СоюзНИХИда лаборатория очиб беришни Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида эса ҳатто алоҳида бўлим ташкил қилиб беришни ваъда қилишяпти. Мақсад текширишни давом эттириш. Фақат биргина саволга жавоб топилиши керак. Марганец сулфати ерга салбий таъсир этмайдими, бошқа ўғитлар каби ифлослантирмайдими?

Лекин наҳотки, шунинг учун яна бир неча йиллар давомида тажрибани давом эттириш керак бўлса. Ўтган йилларда марганец ёрдамида пахтадан мўл ҳосил олиб келаётган хўжаликлар агрономлари, соҳибкор деҳқонлари ва бошқа мутахассис олимларни йиғиб уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб кўрилса амалий иш қилинган бўлмасмиди?! Амалий иш қилишни истаган киши учун 20 минг гектарли марганец солинган экин майдонларининг тупроғида анализ ўтказиб қўя қолиш афзал эмасми? Ахир, марганецдан фақат биздагина эмас Америка Қўшма Штатларида ҳам, фақат пахтагина эмас, бошқа экинларнинг ҳам ҳосилдорлигини оширишда фойдаланиб келинади. Мамлакатимизда эса ундан ҳатто қорамолларни семиртиришда кенг фойдаланилади.

АҚШда уни экин майдонларига 34 килограммгача солиш тавсия этилади. Қ. Абдусаматовнинг таъкидлашича эса гектар бошига солинадиган марганец экин майдонининг тупроғи таркиби ўрганилиб, кенг миқёсли харитасини ишлаб чиқилгач, уч йилда бир маротаба ўрта ҳисобда 25 килограммдан солинади. Бунинг учун хўжаликлар гектар бошига бор-йўғи 7—7,5 сўмдан пул сарфлайдилар, холос.

— Агар пахтани марганец билан озиқлантириш бутун жумҳуриятда йўлга қўйилса, ҳар гектар бошига олинаётган 4—5 центнер қўшимча пахта ҳисобига бутун бир вилоят пахта майдонига тенг бўлган ерни пахта экишдан озод қилиб қўйиш мумкин, — дейди Қ. Абдусаматов. — Унинг ўрнида чорва учун яйловлар, боғлар барпо қилиш мумкин бўлади. Уларнинг сувни пахтага нисбатан бир неча баробар кам талаб қилишини ҳисобга олсак тобора қуриб бораётган Оролга йилига яна миллионлаб кубометр қўшимча сув берилиши мумкин.

М. ҚОСИМОВА,
журналист.

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳар бир фан янгилигига шубҳа билан қараш одат бўлиб қолган. Бу муносабат аслида тўғри. Лекин янгиликдан шубҳаланиб, унга эътибор бермай қўйиш ёмон.

Бизнингча, республика қишлоқ хўжалиги Давлат кооператив комитети ва ушбу соҳа билан шуғулланувчи илмий муассасалар мақолада баён қилинган мулоҳазаларни атрофлича ўрганиб чиқишлари мақсадга мувофиқдир. Таъқиқлаш ҳамиша неч эмас. Бироқ олдин ҳар бир илмий ечимнинг фойда-зарарини, аҳамияти ва келажагини пухта ўрганиб чиқиш фойдадан ҳоли эмас, деб ўйлаймиз.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ТИКУВЧИ АҲДИ

● Қизилтепа районидаги халқ истеъмоли буюмлари фабрикаси тикувчиси Санам Султонова меҳнат ташаббуси билан чиқди. У Ўзбекистон Компартияси XXII съезди очиладиган кунгача 6 ойлик планни уддалашга ва ҳар сменада 100 сўм ўринга 120 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

Айни кунларда илғор тикувчи фабрика коллективи ўртасидаги меҳнат беллашувида пешқадамлик қиляпти. У йил бошидан буён 8000 сўмлик тайёр кийимлар тикиб берди.

Корхонада С. Султонованинг издошлари талайгина. Т. Абдуллаева, М. Эргашева ва М. Ғофурова кабилар ҳам смена топшириқларини ошириб бажаришяпти.

Фабрика коллективи съездлар йилида 3,7 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўзда тутиш мумкин.

Б. МАНСУРОВ,
Бухоро области.

● Андижон бадиий буюмлар фабрикасида комсомол-ёшлар ишда алоҳида намуна кўрсатмоқдалар. Марказий лаборатория ижодий ходимларининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар учун янги нақшларнинг иусхалари чизилади.

Ҳидоят Мамажонова корхонада ўн йилдан бери меҳнат қилиб келмоқда. У уста каштачига шогирд бўлди, касб сирларини қунт билан ўрганди. Бугунги кунда у комсомол-ёшлар бригадасининг етакчиси.

Р. АШУРОВ олган сурат (ЎзТАГ).

Сурътни ошириб

● Республика автокорхоналари энди резина-техника буюмлари тақчиллигидан қийналишмаяпти. «Узремшина» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари тўрт ойлик планни анча ошиғи билан бажариб, бу мушкулотни бартараф этдилар.

Бирлашма корхоналарига 73,4 мингта шинани ремонт қилиш топширилган эди, улар 80 мингдан зиёд ғилдиракни янгилаб бердилар.

Тошкентдаги 9-шина ремонт заводи ишчилари яхши меҳнат қилдилар. Улар деярли юз минг сўмлик маҳсулот тайёрладилар.

Уларнинг самарқандлик ҳамкасблари ҳам шундай маром билан ишламоқдалар. Улар 37 мингтадан зиёд автомобиль шинасини ремонт қилдилар. Уларни тиклашнинг прогрессив технологияси «автомобиль пойабзали»дан фойдаланиш муддатини анча узайтиради.

(ЎзТАГ).

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Охунбобоев районида меҳнаткашларга томорқа бериш ҳамда аҳолини қурилиш материаллари билан таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Буни кейинги пайтда 7 мингдан зиёд оилага уй-жой қуриш учун ҳамда ўз томорқаларини кенгайтириш учун қўшимча 1 минг 400 гектар ер ажратиб берилганлигида ҳам кўриш мумкин. Аҳолига ер берилди. Бироқ, уларни қурилиш материаллари билан таъминлаш муаммо бўлиб қолган эди. Районга ажратилган ёғоч-тахта фонди бор йўғи 12 минг кубометрни ташкил этади, холос. Бу аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талабини мутлақо қондирмайди. Шуни ҳисобга олиб Хакасия автоном вилояти билан шартнома тузилди. Шартномага асосан район меҳнаткашлари уларга сабзавот ва мева етказиб берадилар, хакасияликлар эса ўз навбатида уларга ёғоч-тахта ва бошқа қурилиш материаллари етказиб берадиган бўлишди. Келтириладиган ана шу қурилиш материаллари кейинчалик 11 қишлоқ Совети орқали навбат билан колхозчиларга ва совхоз ишчиларига, хизматчиларга бўлиб берилади. Шифер,пишиқ ғишт, цемент ва бошқа материаллар ҳам худди шу асосда тарқатилади.

Ноҳияда ишсизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш бўйича ҳам бирмунча ишлар қилинаётир. Кооперативлар ташкил қилиш, рай-он тайёрлов идораси, колхоз-совхозлар билан шартномалар тузиш асосида, кичик-кичик цехлар ташкил этиш орқали уларнинг 600 нафари иш билан таъминланди. Бундан ташқари, районда муаммонинг мақбул ечимини топиш ниятида консерва заводи, мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган кичик-кичик заводлар қуриш планлаштирилди. Шу мақсадда Болгария республикасидаги дўстлар билан шартнома тузилди. Шунга кўра, бу йил болгариялик мутахассислар келиб мевани қайта ишлайдиган заводни қуриб берадилар. Худди шундай заводни американликлар ҳам бунёд этишади. Агар мана шу объектлар қуриб битказилса, райондаги ишсизларнинг деярли ҳаммаси яқин орада иш билан таъминланади.

Х. ТОЖИМАТОВ.

• *Атоқли ўзбек шоири ва таниқли жамоат арбоби*

Ҳамид Олимжон туғилган куннинг 80 йиллигига

ДАРЁ КАБИ УЙҒОҚ...

Ёзувчи Мели Норматовнинг ўзбек адабиётида ёрқин из қолдирган ўлмас сўз санъаткори Ҳамид Олимжон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Шоир болалиги» ва «Энг гуллаган ёшлик чоғимда» қиссалари ўқувчиларга яхши таниш. Адиб оташин шоир таваллудининг 80 йиллиги арафасида ана шу мавзуда «Дарё каби уйғоқ...» номли янги қисса ёзди. Қуйида ушбу асардан бир парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ҒАФУР Ғулом «Шарқ ҳақиқати» газетаси асосий ташкилотчиларидан бири. У редакцияга ўзи яхши билган умидли ёш қаламкашларни йиға бошлади. 1928 йили Ориф Аюповни ҳам ишга тортди.

1929 йилнинг бошларида Мақсуд Шайхзода Озарбайжондан келиши билан иш сўраб шу редакцияга мурожаат этди. Икки йил давомида маошсиз қалам ҳақи ҳисобига хизмат қилди. Ғафур Ғулом уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Унга ўзбек адабий тили, ўзбек классик ва совет адабиёти тилсимларини очиб берди, амалий жиҳатдан ёрдам бериб борди. Шайхзоданинг «Ғафур менинг устодим» дейиши бежиз эмас.

Пойтахт Самарқанддан Тошкентга кўчиб келгач, барча қалам соҳиблари қатори Мақсуд Шайхзодага ҳам маданият, адабиёт, нашриёт ва матбуот эшиклари кенг очилди. Ғафур Ғулом-у Ҳамид Олимжонларнинг чуқур, оташин ва сермазмун асарлари унга завқ-шавқ, илҳом бағишлади.

Улар одатдагидек уч киши — Ғафур Ғулом, Шайхзода, Ориф Аюпов газетанинг навбатдаги сонига материал тайёрлаш билан банд эдилар. Қутилмаганда Мақсуд Шайхзода:

— Орифбой, Ҳамиднинг шеърларини ўқисам маза қиламан. Унинг равонлиги, мусиқавийлиги мени ром этади. Икки марта ўқисам, қалбимда муҳрланиб қолади. «Тарих кўрганми?» шеърини ўқидингми? — деб сўраб қолди.

Аюпов довдираб:

— Йўқ, бу шеърни энди эшитяпман, — дея жавоб берди.

— Аттанг, — деди у ва стулдан дик этиб туриб, ҳар бир сўзга монанд ҳаракатлар, имо-ишоралар билан Маяковскийчасига ёддан дикламация қилиб ўқий кетди.

Шайхзода шеърни ўқиб бўлиб лаззатланиб «Оҳ!» деб қўйди ва гапида давом этди:

— Ўз асарларини Маяковский каби ўқиб берадиган паҳлавон сўз устасини ҳали кўрганимча йўқ. У ўқиганда бутун вужудинг ларзага келади. Бу борадаги менинг машқларим мўл-жалимдан ҳали шундай олис. Ғафур билан Ҳамиднинг катта давра минбарларида ўз асарларини ўқиганларини ҳали кўрганимча йўқ.

Ғафур Ғулом билан Ориф Аюпов лол қолишди. Улар шу чоққача Мақсуд Шайхзода Ҳамид Олимжон ижодининг бу қадар шайдосилигидан ва ҳар бир янги асарини катта қаяжон ҳамда фахр билан қарши олишини унчалик пайқамаган эканлар.

1931 йилнинг майи. Ориф Аюпов ҳануз Ғафур Ғулом ва Мақсуд Шайхзодалар билан «Шарқ ҳақиқати» газетасида ишлар, айни вақтда мухбирлар тўгарагига раҳбарлик қиларди. У редакция ишларини соат ўн бирга қадар тугатиб, тўгарак машғулотига тайёргарлик кўра бошлади. Бироқ орадан сал вақт ўтмай, Ғафур Ғулом муҳим бир иш топширди.

— Машғулотга тайёргарлик кўрмасам юзаки бўлиб қолади, — деди у узр сўраб.

— Айтмоқчи, бугун машғулотинг бор-а!

— Мавзу жиддий. Тайёр эмасман, — деди Аюпов.

— Нимани ўтмоқчи эдинг?

— «Очерк ва очерк ёзиш усуллари» ҳақида.

— Мисолларинг, намуналаринг тайёрми?

— Тайёр. Жуда яхши мисол, намуналарни тўплаганман.

— Ундай бўлса, материалларингни бер: Кўз югуртириб чиқай. Бу мавзуни қойил қилиб ташлайдиган аканг-де. Ўзим ўтказаман. Сен мана бу материалларни босмахонага тушириб юбор. Соат уч яримда йўлга чиқамиз.

Ориф Аюпов хурсанд бўлиб тўгаракбоши Зайнабхонга телефон қилиб қўйди...

Улар хотин-қизлар билим юрти ҳовлисига кириб боришганда нақ беш юз қиз кутиб туришарди. Ғафур Ғулом гулга бурканиб қолди.

Машғулот қизларда катта таассурот қолдирди. Ҳайрлашиш олдида залдан:

— Шеърларингизга бағишланган машғулот-суҳбат ўтказишингизни ҳам илтимос қиламиз, — деган луқма ташланди.

Ғафур Ғулом жилмайиб, залга меҳр тўла кўзларини тикди:

— Азиз сингиллар, хўп десанглар ҳозир айтилган мавзудаги машғулот-суҳбатга ажойиб дўстим шоир Ҳамид Олимжонни олиб келаман.

Залда қарсаклар янгради.

Орада яна бир машғулот ўтказилди. Душанба куни эрталаб:

— Орифбой, Ҳамид билан гаплашдим, — деб қолди Ғафур Ғулом.

— Кўндиролдингми, — деди у шошиб.

— Бўлмаса-чи! Тўгарагинг таърифини Самарқанддаёқ Отажон Ҳошимдан эшитган экан.

Мана, ниҳоят Ҳамид Олимжон белгиланган соат учда редакцияга кириб келди. Қўлтиғидаги папкаси семизгина. Ғафур Ғулом ва О. Аюпов билан илиқ кўришиб:

— Ориф ака, мана, хизматингизга шошилиб келдим, — деди ёқимли жилмайиб.

...Ҳамид Олимжон ёнибяшнаб, тўлқинланиб ўтирар, ҳаяжони юз-кўзидан сезилиб турарди. Нозиктаъб ва эпчил тўгаракбоши Зайнабхон тартибсиз турган гулларни чиройли дасталаб иккита столга қойилмақом қилиб жойлади. Саҳна ҳусни янаям очилиб кетди.

Ориф Аюпов Ҳамид Олимжонга сўз берар экан, минбарга кўтарилган шоир, саҳна тўғрисидаги деворга тикилиб, зеҳнан михланиб қолди. Пашкаси ҳам очилмади. У шоирликка бўлган ҳаваси-ю, машқ қила бошлаган дамлари, аста-секин қаламни ўзига ром этиб кичик-кичик асарлар ёза бошлаганию, кейинги кўтаринки кайфиятларига қадар сидирға гапириб берди. Улуғ доҳий яшаган ва ишлаган шаҳарлар, хусусан совет кишисининг янги дунё яратаётганини шунчалик завқ-шавқ билан тўлқинланиб гапирдики, бутун зални ўзига ром қилиб олди. Биринчи «Кўклам» шеърлар тўпламидан ўқиган ўтли сатрлари зални нурлантириб юборди. Яна ҳаммаси ёддан қуйилиб келаверди.

Кўп ўтмай саҳна бошқа тусга кирди. Бир текис атлас либосга ўралган қизлар тўлқинланиб, «Тонг шабадаси» ва «Олов сочлар» тўпламларига кирган шеърлардан ўқиб кетдилар. Улар гўё мусобақа қилгандек, зўр маҳорат кўрсатиб Ҳамид Олимжонга етказиб ўқишга ҳаракат қилардилар. Залда Ғафур Ғулом билан директор ўртасида ўтирган шоир ўз шеърларидан маст эди.

Тўгарак бошлиғи Ҳамид Олимжон билан Ғафур Ғуломга ташаккур изҳор этиб, тез-тез меҳмон бўлиб келиб туришларини илтимос қилди.

Ҳамид Олимжон Ғафур Ғулом билан қўл ушлашганча яна деворий газета ёнига боришди. Ҳамид Олимжон кўзлари порлаб тикилиб тураркан, мулойимлик билан деди:

— Буни гўзал сўзанагина эмас, ўткир дид билан ишланган катта адабий ҳужжат десаям бўларкан. Максим Горький билан Владимир Маяковскийнинг суратлари, уларнинг совет адабиёти ҳақидаги оташин фикрлари, асарларидан парчалар, намуналар келтирилиши, кетидан биз, шогирдларнинг фоторасмларимиз ва айрим шеърларнинг қўйилиши бизга бўлган ҳурматнинг чин гувоҳи бўляпти. Раҳмат, лекин Зайнабхон, битта қусури бор экан. Ғафур аканинг суратини мендан кейин қўйибсизлар...

Ғафур Ғулом таҳрир ҳайъати аъзоларини оқламоқчи бўлди:

— Бу қусур эмас, газетачиликдаги адолат! Деворий газета асосан сенинг келишингга бағишланган.

— Йўқ, дўстим, ундай бўлса мени Горькийдан ҳам юқори қўйишлари керак эди, — деди юз-кўзлари ёниб жилмайиб.

Атрофда қизлар катта давра олиб туришарди. Навқирон ўзбек совет адабиёти намояндалари ўртасида бўлиб ўтган бу гап-сўз икки дўст инсонларнинг бир-бирига нисбатан ҳурмат-эҳтироми не чоғли баландлигидан далолат эди.

...Эртаси куни соат бешларда Мақсуд Шайхзода бир дапқир ишлади-да, сал ҳордиқ чиқарай деб, телефон трубкасини олди. Ғафур Ғулом билан Ориф Аюпов босмахонага тушиб кетишган эди. Улар қайтиб келишганда Шайхзода «а-а»лаб ҳамон ким биландир афсусланиб гаплашарди. У трубкани қўйиб, одатига кўра папиросни коридорда чекиб келиб, ўрнига ўтирди:

— Афсуслар...

— Тинчликми, ким билан бунча узоқ гаплашдинг? — дея сўради Аюпов.

— Ҳамид билан, — деди ва қаттиқ уф тортди. — Қизлар менинг учрашувимдан қандай таассурот олишганини билмайману, аммо мен янги дунёнинг бир чеккасини кўргандек завқландим. Уни яхлит кўришни, билишни истайман, деди Ҳамид. Ҳамма-ҳаммасини гапириб берди. Минг афсуслар, иштирок этолмадим...

Шайхзода Ҳамид Олимжон билан танишганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Улар «Портфелли киши» томошасига боришган эди. Танаффус пайтида Ғафур Ғулом ўзига хос ҳазил-мутоиба билан:

— Йигитчалар, бир танишиб олинглар. Бу зот Абдулҳамид ёки шоир Ҳамид Олимжон бўладилар, — деб уни таништирганда, Мақсуд Шайхзода:

— Офарин! Хўш, ўзларидан сўрасак, камина Мақсуд, — деб Ҳамид Олимжонни қучиб кўришган эди.

У шу чоққача Ҳамид Олимжонни шахсан танимас, аммо унинг Самарқандда нашр этилган шеърлари, тўпламларини ўқиб ғойибона билар, шоир сифатида ниҳоятда ҳурмат қилар, эъзозлар эди. Ана шу қисқа вақт ичида бу иккала шоир бир-бирлари билан бунчалик қадрдонлашиб, самимий дўст бўлиб қолишгани Ғафур Ғуломни беҳад ҳурсанд этди.

Мели НОРМАТОВ.

КЎНГЛИМИЗ РАВШАН БЎЛСИН

• *«Совет Ўзбекистони» дўстлари боғида газетамизда кўтарилган муҳим масала юзасидан муҳокама бўлиб ўтди*

Газетамизнинг шу йил 25 апрель сонида «Ҳаммаси мактабдан бошланади» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда хоразмлик матлуботчиларнинг бевосита қишлоқларда ва мактабларда китоб савдосини ташкил этиш борасидаги дастлабки ишлари ҳақида фикр юритилган эди. Уни қандай қилиб изчил такомиллаштириш ва китоб дўконларини кўпайтириш керак? Савдо ходимлари қандай қийинчилик ва муаммоларга дуч келишяпти? Бошланган хайрли иш мавсумий бўлиб қолмасмикан?

Урганч район Энгельс номли жамоа хўжалигидаги «Совет Ўзбекистони» дўстлари боғида бўлиб ўтган учрашувда шу каби масалалар ҳусусида гап борди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сектор мудири С. Ризаев, Хоразм вилояти партия комитети котиби Э. Самандаров, китоб савдоси билан шуғулланувчи мутасадди кишилар иштирок этишди.

Ўзига хос тадқиқот ўтказилди. Қишлоқ мактабларидан бирида синфга кириб, ким ота-онасидан ўтган йили ёки шу яқин орада китоб совғаси олди, деб сўралди. Жимлик чўкди. 40 га яқин ўқувчидан биронтаси қўлини кўтара олмади.

Ахир, китоб маданиятимиз, маънавиятимиз кўзгуси. Беруний, Хоразмий, Огаҳийдек буюк сиймоларнинг ҳам китобга эҳтироми улуғ бўлган. Шундай экан, нега уларнинг бугунги авлодлари бу хазинага бефарқ қарашяпти?

Шунга ўхшаш саволлар ўз-ўзидан туғилгани йўқ. Учрашувда шундай рақамлар келтирилди: бир миллиондан ортиқ аҳоли яшаётган Хоразм вилоятидаги ҳар бир киши ҳисобига йилига атиги 1 сўм 62 тийинлик китоб хариди тўғри келаркан. Матлубот жамиятларининг умумий йиллик олди-сотиси 400 миллиондан ортиқ бўлса, шундан бор-йўғи бир миллион сўмдан сал зиёдини китоб ташкил этаркан.

КИТОБ— МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

— Яширишнинг ҳожати йўқ, — дейди вилоят матлубот жамиятлари правлениеси раиси ўринбосари Б. Минасов. — Биз китоб савдосига унчалик эътибор бермай келдик. Ҳатто шу соҳанинг товаршунослари зиммасига бўлак вазифалар юклатиб қўйилди. Яқиндан бошлаб муносабат ўзгаряпти. Кейинги пайтнинг ўзида қирқдан ортиқ дўкон ва бўлим очилди. Шундан 24 таси мактабларда ташкил этилди. Правлениемиз шундай қарорга келди: энди қишлоқда очиладиган ҳар бир магазин китоб бўлимисиз ишга туширилмайди. Йил охиригача уларни ва мактабдагилар сонини юзтага етказмоқчимиз.

Шовот район матлубот жамияти раиси Т. Воисова, Хива районидаги «Китоблар уйи» дўкони мудири Ш. Султонов ва бошқалар ҳам қилинаётган ишлар ва режалар ҳусусида ўз мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Дарҳақиқат, савдо ходимларининг режалари ибратга лойиқ. Улар ҳусусида бундан олдинги мақолада ҳам сўз юритилган эди. Шу боис бу гал асосий эътиборни муаммоларга қаратмоқчимиз.

Ҳозир талаб кундан-кунга ортиб бораётир. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий турмушда муносабатларни йўлга қўйишда ҳар бир хўжаликдан тортиб то жумҳуриятимиз миқёсигача чуқур билимли кишиларга эҳтиёж катта. Бунга эришиш китобни севишдан, тарихни яхши билишдан, келажакни белгилай олишдан бошланади. Афсуски нашриётлар буни инобатга олмаяпти. Дўконларда ўзбек эртаклари, гўзал шеърий китоблар, тарихий мавзудаги болалар боп асарлар анқонинг уруғи. Ахлоқий, бадиий адабиётлар ниҳоятда кам.

— Биз яқинда 20 дона эски ўзбек тили алифбесини олдик, — дейди боғотлик савдо ходими Қ. Рўзматов. — Бу катта районга нима бўлади? Биз кўп китобсеварлар олдида қизариб қолдик. Бунинг устига қишлоққа китоблар уч-тўрт, ҳатто олти ойлаб кеч келишини қандай баҳолаш мумкин?!

Учрашувда вилоят қишлоқларида китоб дўконлари ва бўлимларини кўпайтириш, шундай нуқталарни мактабларнинг ўзида ташкил этишнинг бошқа муаммолари ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди. Энди бу муҳим масала «Совет Ўзбекистони» газетаси ва Хоразм вилояти партия комитетининг диққат марказида бўлади.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Наманган вилояти. Тўрақўрғон ноҳиясидаги «Ширинлик» комбинати «Умид» болалар боғчасида кичкинтойлар учун ҳамма нарса муҳайё. Бу ерда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Сузиш ҳавзаси, спорт зали ҳамиша болалар билан гавжум. Боғчада 360 нафар кичкинтой яйраб-яшнаб вояга етаётир.

Бахтиёрлар масканидаги ҳар бир тарбиячи ўзларининг билим ва маҳоратларини болаларнинг ҳар томонлама камол топишига сарф қилаётир.

Суратларда: 1. Тиббиёт ҳамшираси Офият Абдуллаева навбатдаги тиббий ёрдамни кўрсатаётир. 2. Спорт залида. 3. Сузиш ҳавзасида кичкинтойларнинг қувончи чексиз.

Суратларни Х. ШОДИЕВ олган.

• СПОРТ •

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● БУГУН «Пахтакор» командаси футболчилари Олмаотада «Қайрат» коллективининг меҳмони бўлишади. Ҳозир олмаоталик футболчилар 10 та очко билан учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Пахтакорчилар ҳисобида 9 та очко бўлиб, еттинчи ўринда боришмоқда. Кеча 4 та учрашув ўтказилди. Пешқадамлар иштирокидаги ўйинлар эса эртага бўлади. Чунончи «Шинник» — «Факел» майдонида ўйнаса, «Металлург» командаси спартакчиларни қабул қилади.

● Эртага иккинчи лиганинг шарқий зонасига қирувчи командалар ўртасида навбатдаги учрашувлар ўтказилади. Жамбулнинг «Химик» ва Жиззахнинг «Сўғдиёна» командалари 11 тадан очко билан олдинда боришмоқда. Қўрғонтепанинг «Вахш», Фарғонанинг «Нефтяник» командаларида 10 тадан очко бор. Мухлислар «Вахш» — «Олга», «Сурхон» — «Химик», «Сўғдиёна» — «Навбаҳор» ва «Нефтяник» — «Копетдоғ» командалари учрашувига қизиқиш билан қарашмоқда.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

ИЖАРАЧИЛАР УЮШМАГА БИРЛАШАДИЛАР

ИЮНЬ ОЙИДА

Тошкентда Ўзбекистон ижарачилар уюшмасининг

ТАЪСИС СЪЕЗДИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Уюшмани тузишдан мақсад — халқ хўжалигининг барча соҳаларида ижарачилик ҳаракатини ривожлантириш учун ижарачиларни бирлаштиришдан иборат. Уюшма ижарачиларга ҳуқуқий ва иқтисодий ёрдам кўрсатишни, ижара муносабатларининг назарий ва услубий негизини чуқурлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Съездда иштирок этиш учун халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги корхоналар, ташкилотлар, ижарачилар жамоаларидан талабномалар 1990 йил 1 июнгача қабул қилинади. Съезд ишида иштирок этиш учун фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин: 700161, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 57-уй. Ижарачилар уюшмасининг ташкилий комитети. 76-59-33 телефон бўйича қўшимча маълумот олиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЖАРАЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТИ.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент экспериментал ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИДА

19 май соат 10.00 да

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ЎТКАЗИЛАДИ

Тошкент машинасозлик институти умумтаълим, ўрта ҳунар-техника билим юртлари ва техникум битирувчиларини Ўзбекистон ССР ва қардош республикалар учун малакали инженер кадрлар тайёрловчи кафедралар билан танишиш учун таклиф қилади.

«Очиқ эшиклар куни» факультетлар бўйича қуйидаги маконларда ўтказилади:

— механика-машинасозлик, тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машиналари, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш — Студентлар шаҳарчаси;

— самолётсозлик факультети — Усмон Юсупов кўчаси 107-уй.

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИГА» МАРҲАМАТ!

111-ЖУМҲУРИЯТ РУС ТИЛИНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

1990-1991 ўқув йили учун

5-синфга

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мазкур интернатга келувчи ўқувчи жумҳурият вилоятларида истиқомат қиладиган, бошланғич мактабни тугатган, 1980 йилда туғилган бўлиши шарт.

Қабул комиссияси 1 июндан 30 июнгача ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9дан 14 гача ишлайди.**

Ўқувчилар она тили, рус тили ва математика фанларидан ёзма иш ва суҳбат йўли билан синаб кўрилади.

Керакли ҳужжатлар: туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (асл нусхаси), соғлиги тўғрисидаги 26 ва 63 медицина формалари, бошланғич мактаб табеллари.

Қолган ҳужжатлар суҳбат натижасига қараб 30 августгача тайёрланади.

Интернат қўнимгоҳи: Тошкент-135, Чилонзор ноҳияси, «Ц» квартали (метронинг «Чилонзор» бекати).

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг босмахонаси 15 майдан бошлаб Клишелар тайёрлаб бериш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

33-90-50 телефони бўйича ишлаб чиқариш бўлимига мурожаат қилинсин.

ЯРМАРКАГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ССР БУХОРО ДАВЛАТ ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ

шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган граждандар, корхона, ташкилот колхоз, совхоз, ширкатлар жамоасини

17—18 МАЙДА

Бухоро шаҳридаги тижорат маркази биносида ўтадиган

РЕГИОНЛАРАРО ЯРМАРКАГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тижорат маркази манзилгоҳи: Бухоро шаҳри; С. Муродов кўчаси, 12.

ЯРМАРКА ДАСТУРИДА:

хўжалик алоқаларини ўрнатиш,

савдо шартномаларини имзолаш;

бартер жараёнларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 5-64-70, 5-62-94, 5-49-97.

15 МАЙДАН 17 МАЙГАЧА

Тошкент шаҳридаги «Средазэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида

Корҳоналарнинг планли бозор муносабатига ўтиши масалаларининг муҳокамасига бағишлаб СССР Электротехника асбоблари вазирлиги ҳуқуқшуносларининг

БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ БЎЛАДИ

Маълумот олиш учун телефонлар: 91-29-15, 91-20-37.

Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги ва Тошкент шаҳар молия бошқармаси кекса молия ходими

Тўхтахўжа ҲАКИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан хабар қилади ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Бош геология бошқармасининг «Ўзбекгидрогеология» бирлашмаси ва Гидрогеология ва инженерлик геологияси институтининг жамоаси етакчи илмий ходим, геология-минералогия фанлари доктори Р. И. Ишанқуловга отаси

Сувонқул ИШАНҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат театр ва рассомчилик санъати институти жамоаси фалсафа кафедраси мудири вазифасини бажарувчи доцент Қ. Ориповга отаси

Абдуқодир ОРИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми жамоаси ўқитувчи Д. Турсуновага онаси

Фотима ТУРСУНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив қўмитасининг «Ўзбошагротаъминот тузатиш» бошқармаси жамоаси деҳқончиликни механизациялаштириш бўлимининг етакчи мутахассиси Д. Алиевага онаси

Тўпинисо ТОШМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат университети журналистика факультети жамоаси телевидение ва радио эшиттириш кафедрасининг катта ўқитувчиси Ю. Ҳамдамовга акаси

Мавлон ҲАМДАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси жамоаси катта илмий муҳаррир Э. Зиёевга онаси

Зиёева Саидабону Иззатилла қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари таълимнинг техника воситалари бўлими бошлиғи А. А. Ҳакимовга отаси

Абдурасул ҲАКИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, ҳалқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 02767. № 110. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12